БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 69 (3807).

9 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

А. Н. Косигин Москвага қайтиб келди

Шаҳаншоҳ ҳукуматининг бош министри Амир Аббос Ҳувайдонинг таклифига биноан расмий визит билан Эронга борган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 7 апрелда Москвага қайтиб келди.

А. Н. Косигин билан бирга Эронга борган Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Мурадян, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Қаҳҳоров ва бошқа кишилар ҳам Москвага қайтиб келдилар. (ТАСС).

«ЛУНА-14» КОСМОСДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1968 йил 7 апрель Москва вақти билан соат 13 дан 09 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Луна-14» автомат станцияси ўрнатилган космик ракета ой томонга учирилди.

Бу станцияни учиришнинг асосий мақсади—ой атрофидаги фазони илмий тадқиқ қилишни давом эттиришдир. Ўлчов маълумотларини ишлаб чиқишнинг дастлабки натижалари автомат станция ҳисоблаб қўйилгазига яқин траектория бўйлаб учиб бораётганлиги кўрсатмоқда.

1968 йил 7 апрель Москва вақти билан соат 17 да «Луна-14» станцияси ер юзидан 40 минг километр масофада учиб бораётганида шу траектория тагидаги ер юзасининг координатлари қуйидагича эди: 34 градус 48 минут шимолий кенглик ва 99 градус 38 минут шарқий узунлик.

Станция билан доимий алоқа қилиниб турибди. Телеметрия маълумотларига кўра, станцияда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Ер устидаги ўлчов аппаратлари комплекси станциянинг учишини кузатиб турибди.

Координациялаш — ҳисоблаш маркази станциядан олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ

Карл Маркс туғилган куннинг 150 йиллигига аталган Тезислар

Илмий коммунизм асосчиси, гениал мутафаккир, оташин революционер, жаҳон пролетариатининг устози ва йўлбошчиси Карл Маркс туғилган кунга 1968 йил 5 майда 150 йил тўлади.

Тарихда энг революцион синф — пролетариат ижтимоий ҳаёт майдонига чиқиб инсоният тарихида бурилиш вужудга келган маҳалда Карл Маркс ўзининг маслакдоши ва содиқ сафдоши Фридрих Энгельс билан бирга коммунизм учун кураш байроғини баланд кўтардилар. Маркс билан Энгельснинг бутун назарий ва амалий фаолияти шу синфнинг сиёсий ва ғоявий ривожланишига ёрдам берди.

Марксниng улуғлиги шундаки, у тарихий ривожланишнинг бутун бориши кун тартибига қўйган саволларга жавоб топиб берди. Маркс инсониятнинг ижтимоий онгида жуда зўр инқилоб қилди, пролетариатнинг тарихий ривожланиш қонунларини тўғри акс эттирувчи илмий дунёқарашини ишлаб чиқди. У социализмни утопиядан фанга айлантирди, капитализмнинг ҳалок бўлиши ва коммунизмнинг тантана қилиши муқаррарлигини асослаб берди. К. Маркс ишчилар синфининг тарихий вазифаси эксплуататорлар тузумининг гўркови ва социализмнинг ғоявий асосчиси сифатида ўзининг энг буюк даражасига етган эди. Марксизм фан тараққиётининг катта йўлидан четда пайдо бўлгани йўқ, балки шу фан эришган барча энг яхши муваффақиятларнинг қонуний вориси ва давомчиси бўлди. Марксизмга қадар бўлган ижтимоий назариялар аксарият эътибори билан мушоҳида характеридаги назариялар эди. Шу назариялардан фарқ қилиб, марксизм революцион кураш оловида ўсиб етишди ва фақат дунёни билишнигина эмас, шу билан бирга дунёни тубдан ўзгартиришнинг ҳам қудратли қуроли бўлиб қолди.

а). К. Маркс билан Ф. Энгельс табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлган диалектик ва тарихий материализмни вужудга келтириб, фалсафада буюк революцион тўнтариш қилдилар.

Марксга қадар бўлган даврда кўпгина файласуфлар материалистик ҳулосаларга келган эдилар. Лекин уларнинг материализми ҳар томонлама ва изчил материализм эмас эди, ривожланиш назарияси билан узвий равишда қўшилмаган эди, инсоният жамиятини билишга татбиқ қилинмаган эди. Маркс билан Энгельс тўла фалсафий оқимларнинг идеализмини ва метафизикасини кескин равишда бартараф қилдилар, материализмни диалектика билан қўшдилар, унинг қоидаларини ижтимоий жараёнларни билишга татбиқ қилиб, янги, чинакам илмий фалсафий таълимотни — диалекгик материализмни яратиб бердилар.

Марксизм ўзигача бўлган фалсафанинг мушоҳадачилиги билан алоқани узиб, унга актив, ўзгартирувчи тус берди, уни ижтимоий тарихий практика билан чамбарчас боғлади. Маркс бундай деган эди: «Файласуфлар оламни турлича **изоҳлаб** келдилар, лекин гап—уни **ўзгартиришдадир**» (Асарлар, 3 том, 4 бет).

Маркс материализмни тарихий ривожланишни тушунишга татбиқ қилиб, ижтимоий ҳаётда моддий ишлаб чиқаришнинг белгиловчи ролини исботлаб берди. Марксниng назарида тарих қонуниятли жараён бўлиб, бу жараён давомида бир иқтисодий-ижтимоий формациянинг ўрнини иккинчиси эгаллайди. Маркс халқ оммасининг тарихидаги ҳал қилувчи ролини ва ижтимоий ривожланиш давомида бу роль оша боришини асослаб берди. Марксизм тарихий жараённинг объектив характерини эътироф қилиб, инсонларнинг онгли фаолияти бу жараёнда катта роль ўйнашини кўрсатиб ўтади, революцион назарияга жуда катта аҳамият беради.

б) **К. Маркс илмий-сиёсий иқтисодни вужудга келтирди, ишчилар синфининг революцион курашини ва ғалабасини иқтисодий жиҳатдан асослаб берди.**

Маркс ўзининг асосий асари бўлган «Капитал»да ва бошқа асарларида буржуа жамияти ҳаракатининг иқтисодий қонунларини ва капиталистик эксплуатация механизмини очиб бериб, ёлланган ишчилар меҳнатининг ҳақ тўланмаган қисми яратиб берган маҳсулотни капиталистлар ўзлаштириши йўли билан мана шу эксплуатация вужудга келишини исботлаб берди. Шу тариқа пролетариат билан буржуазия ўртасидаги муросасиз синфий антагонизмнинг энг чуқур негизи очиб берилди. Қўшимча қиймат назарияси Маркс иқтисодий таълимотининг негизи бўлиб қолди.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулини революцион тарзда йўқ қилиб ташлаш йўли билангина ишчилар синфи озод қилиниши мумкин. Маркс шуни исботлаб берди-ки, капитализм ривожлана борган сари ишлаб чиқариш капиталистик тарзда умумлаша беради, тағин ҳам юксакроқ ижтимоий тузум — социалистик тузум учун моддий шарт-шароит яратила боради. Маркс буржуа жамиятидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ишлаб чиқариш натижаларини ўзусий мулкчилик тарзида ўзлаштириш ўртасидаги зиддиятни очиб ташлади. Капиталзмнинг барча зиддиятлари кескинлашаётганлиги асосида мана шу зиддият ётибди ва бу зиддият социалистик революциянинг объектив шарт-шароитидир. Бинобарин, социалистик революция бўлиши муқаррар, деган ҳулоса марксизмнинг иқтисодий назариясидан бевосита келиб чиқади. Мана шу назария ва тарихни материалистик тушуниш туфайлигина социализм илмий характер касб қилди. Социализм сиёсий иқтисодининг энг муҳим принциплари Марксниng иқтисодий таълимотида таърифлаб берилди.

в) **Маркс билан Энгельс яратиб берган илмий социализм революцион ишчилар ҳаракатнинг назарияси ва программасидир.**

Маркс билан Энгельс капитализм ривожланишининг қонунияларини тадқиқ қилиб, барча революцион вазифалар орасида энг революцион вазифани—капитализмни, умуман ҳар қандай эксплуатацияни емириб ташлаб, коммунистик жамият қуриш вазифасини тарих пролетариат зиммасига юклаганлигини ва пролетариат мана шу вазифани бажарувчи социал куч эканлигини кўришга муваффақ бўлдилар. Марксниng энг катта хизмати шундаки, у, пролетариатнинг жаҳоншумул тарихий вазифасини асослаб берди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс социалистик революция тўғрисидаги таълимотни чиплаб чиқдилар, социалистик революция пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, янги жамият қуриш учун шароит вужудга келтиришига имкон берадиган бирдан-бир усул эканлигини кўрсатиб бердилар. Улар оммаининг революцион ижодкорлигига жуда катта аҳамият бериб келдилар, социалистик революция проблемаларининг ҳаммасини бир қолипга солишга қарши чиқдилар, социалистик революцияни амалга ошириш формалари жуда хилма-хил эканлиги тўғрисидаги идеяни илгари сурдилар.

К. Маркс билан Ф. Энгельс революцион синфий кураш назариясини буржуазия билан пролетариат ўртасида синфий ҳамкорликни тарғиб қилиш билан ўнг оппортунистларча алмаштиришни қатъиян рад қилдилар. капитализм социализмга тинч ўсиб кириши мумкин, деган реформистик уйдирмаларни, шунингдек капитализмнинг социал-иқтисодий негизларини сақлаб қолган ҳолда унинг иллатларини ва зиддиятларини йўқотиш мумкин, деган даъволарини ҳам фош қилиб ташладилар. Айни вақтда марксизмнинг асосчилари майда буржуа «сўл» оппортунистлар ва сектантларнинг авантюристик тактикасини ва соҳта революцион баландпарвоз гапларини шафқатсизлик билан танқид қилдилар. Улар революцион вазият билан ҳисоблашмай, революция «қилиш»га қаратилган уринишлардан эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидладилар, «радикал социалистик революция иқтисодий ривожланишнинг муайян тарихий шароити билан боғланганлиги»ни (Асарлар, 18 том, 612 бет) қайта-қайта уқтирдилар.

Маркс билан Энгельс қайта-қайта тушунтириб айтдиларки, жамиятни революцион йўл билан ўзгартириш узоқ давом этадиган мураккаб иш бўлиб, бу иш буржуа-демократик тўнтариш билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Мулкдор синфларнинг ҳаммаси ҳукмронликдан четлаштирилмагунча, пролетариат давлат ҳокимиятини ўз қўлига олмагунча революция давом эта бериши лозим. Бу курашда ишчилар синфи капитал эксплуатация қилаётган барча меҳнаткашларнинг ва аввало деҳқонларнинг манфаатларини ифодаловчи куч бўлиб майдонга чиқади. «Шунинг учун деҳқонлар буржуа тартибини ағдариб ташлаш вазифасини бажарувчи **шаҳар пролетариатини** ўзининг табиий иттифоқчиси ва йўлбошчиси деб билади». (Асарлар, 8 том, 211 бет.)

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимот илмий социализм назариясида марказий ўринни олиб турибди. К. Марксниng сўзи билан айтганда, синфий курашни тушуниб олишга у қўшган ҳисса шундан иборатки. «1) **синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий фазаларигагина** боғлиқдир, 2) синфий кураш албатта **пролетариат** диктатурасига олиб боради, 3) бу диктатуранинг ўзи **ҳар қандай синфларни йўқ қилиб, синфсиз жамиятга** ўтишдан иборат...» (Асарлар, 28 том, 427 бет).

К. Маркс билан Ф. Энгельс шуни исботлаб бердиларки, пролетариат ўз ҳукмронлигини ўрнатаётганида буржуазиянинг тайёр давлат машинасидан фойдаланиши мумкин эмас, балки бу машинани синдириб, мажақлаб ташлаб давлат ҳокимиятининг янги системасини вужудга келтириши лозим. Пролетариат диктатураси экспроприаторларни экспроприация қилишдан иборат ўзининг тарихий вазифасини бажаради, ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостиради, антагонистик синфларнинг мавжудлигига асос бўлган шарт-шароитни тугатади, ҳусусий мулкни муҳофаза қилиб ва таъминлаб келган нарсаларнинг ҳаммасини емириб ташлайди, социалистик жамият қуришни ташкил этади.

К. Маркс билан Ф. Энгельс шуни исбот қилиб бердиларки, капитализм ўрнини социализмнинг эгаллаши бир қанча босқичлардан ўтадиган қонуниятли тарихий жараёндир. К. Маркс билан Ф. Энгельс коммунистик жамият қуйидаги босқичлардан ўтиб, такомил топишини зийраклик билан олдиндан кўриб айтиб бердилар: капитализмдан социализмга ўтиш даври; коммунизмнинг биринчи фазаси — социализм ва олий фазаси — коммунизмнинг ўзи.

Социал зулм ва тенгсизликнинг ҳар қандай турлари ва формаларидан халқ оммасини тўла равишда озод қилиш, ижтимоий турмушни энг мақбул тарзда ташкил этиш, шахсни ҳар томоплама ривожлантириш, одамнинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилишига эришиш шарт-шароитларини аниқлаб, йўлларини кўрсатиб бериш марксизмнинг олий вазифасидир. Коммунизм айрим шахсий манфаатлари билан бутун жамиятнинг манфаатларини уйғунлаштириб бир-бирига қўшишни таъқозо қилади. Коммунизм гуманизмнинг реал ифодасидир.

2. **Маркс пролетариат синфий курашн стратегияси ва тактикасининг энг муҳим принципларини белгилаб берди.** У революцион ҳаракатнинг ҳамма босқичларида қуйидагиларни таъминлашни зарур деб ҳисоблади:

— бутун озодлик ҳаракатида ишчилар синфининг сиёсий партияси бош бўлган ҳолда шу синфнинг раҳбарлик ролини амалга ошириш;

— ҳаракатнинг широрвди мақсадлари учун курашни ишчилар синфининг энг яқин иқтисодий ва сиёсий вазифаларини ҳал қилиш билан қўшиб олиб бориш;

— пролетариатнинг меҳнаткашларнинг кенг табақалари билан ва аввало деҳқонлар билан мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш;

— пролетариат синфий ҳаракатини демократик яркинликлар, мазлум халқларни миллий озод қилиш учун олиб борилаётган курашни қўллаб- қувватлаш билан бирга қўшиш;

— пролетар интернационализмига содиқлик;

— илмий коммунизм принципларига содиқлик ва тактиканинг пухталиги.

Марксизм таълим бериб айтадики, капиталнинг халқаро кучига, турли мамлакатлардаги буржуазиянинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб пролетариат ҳаракатини бостириш учун қилаётган уринишларига ишчилар синфи ўзининг интернационал бирлигини қарама-қарши қилиб қўйиши лозим. Ишчилар синфининг халқаро бирдамлиги шу синф ғалаба қилишининг муқаррар шартидир. «Ўтмиш тажрибаси шуни кўрсатдики, деб ёзган эди Маркс, турли мамлакат ишчилари ўртасида бўлиши ва уларни озодлик учун олиб бораётган курашларида бир-бирларини маҳкам туриб қўллаб-қувватлашга йўллаши лозим бўлган қардошлик иттифоқини мансимаслик ишчиларнинг тарқоқ бўлиб қолган ҳаракатларини ёппасига мағлубиятга учратиш билан жазолайди» (Асарлар. 16 том, 10-11 бетлар).

Маркс буржуа миллатчилигига ва шовинизмига қарши кескин кураш олиб бориб, ҳамиша шуни таъкидлаган эдики, ишчилар синфининг чинакам миллий манфаатлари интернационал манфаатларга зид келмай, аксинча шу интернационал манфаатлар билан узвий равишда қўшилиб кетади. Интернационализм принципларини унутиб, қўйиш, бутун халқаро ишчилар ҳаракатигагина зарар етказиб қолмасдан, шу билан бирга аввало шу принципларни унутиб қўйган мазкур мамлакат ишчилар синфининг миллий манфаатларига ҳам зарар етказади.

К. Маркс пролетариатнинг синфий кураши милитаризмга қарши, босқинчилик урушларига қарши кураш билан ўзаро боғланганлигини очиб берди. У барча мамлакат пролетарларини эксплуататорларга қарши ва жиноий мақсадларни кўзлаб миллий бидъатларни ишга солаётган ҳамда босқинчилик урушларида халқларнинг қонини тўкиб бойлигини исроф қилаётган эксплуататорларнинг милитаристик сиёсатига қарши биргаликда ҳаракат қилишга чақирди. «...Ишчилар синфи тарих майдонига индамай ижро қилувчи бўлиб чиқмасдан, балки ўз масъулиятини англаган ва «хўжайинлар» уруш тўғрисида жар солаётган жойда тинчлик ўрнатишга лаёқатли бўлган мустақил куч сифатида майдонга чиқади» (Асарлар, 16 том, 372-373 бетлар).

3. **Маркс пролетариатнинг жаҳоншумул тарихий ролини асослаб, унинг синфий ташкилоти бўлиши зарур, деган хулосага келди.** Маркс ишчиларнинг иқтисодий манфаатлари учун курашда уларнинг оммавий ташкилотлари бўлган касаба союзларига катта аҳамият берди. Лекин Маркс таълимотига кўра, фақат ишчилар синфининг революцион партиясигина пролетариат синфий ташкилотининг олий формаси, пролетариатнинг илғор раҳбар кучи бўлиши мумкин.

Маркс пролетар партияси жанговарлик қобилиятининг манбаи пролетар партиясининг ғоявий бирлигида ва жипслигида эканлигини тинмай уқтириб келди. У партия ташкилий тузилишининг асосларини, пролетар партиявийлигининг принципларини ишлаб чиқди, бу эса: устав ва программани бажаришнинг мажбурийлиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, қаттиқ интизомни партиянинг ички кенг демократияси билан қўшиб олиб бориш, ҳар бир партия аъзосининг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Маркс билан Энгельс, тарихни қаҳрамонлар яратади, деган идеалистик назариянинг шармандасини чиқариб, раҳбарликнинг коллектив методларини астойдил ёқладилар, айрим арбобларнинг улуғланишига қатъиян қарши чиқдилар.

К. Маркс билан Ф. Энгельс биринчи халқаро коммунистик ташкилот бўлган Коммунистлар Союзини тузадилар, бу Союз пролетар революционерларини тарбиялаш мактаби бўлиб қолди ва пролетар партиясининг куртаси бўлиб, I Интернационалнинг ўтмишдоши бўлиб тарихга кирди. Маркс билан Энгельс ёзган «Коммунистик партия Манифести» Коммунистлар Союзининг Программаси бўлиб қолди.

1848—1849 йиллардаги революция синфий кураш тўғрисидаги марксизм назариясининг ҳулосаларини амалда исботлаб берди. Маркс билан Энгельс бошчилигидаги Коммунистлар Союзининг аъзолари авж олиб кетган революцион демократик ҳаракатда жуда фаол қатнашиб, пролетариат манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилдилар. Маркс редакторлик қилиб келган «Янги Рейн газетаси» илғор демократиянинг минбари бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга уюштирувчи революцион марказга ҳам айланди. Революция мағлубиятга учрагандан кейин бошланган даврда Марксниng пролетар революционерларини жипслаштириш йўлида олиб борган ишлари ва илмий назарияни ишлаб чиқишни давом эттирганлиги пролетариат озодлик курашининг янги, тағин ҳам юксак босқичини тайёрлашда жуда катта роль ўйнади.

4. **1864 йилда I Интернационал — Халқаро ишчилар уюшмаси ташкил этилганлиги К. Маркс революционамалий фаолиятининг жуда катта муваффақияти бўлди.** Маркс Интернационалнинг жон-тани бўлди, унинг чинакам йўлбошчиси бўлди. унинг халқаро пролетариат курашининг асосий йўлларини белгилаб берган барча энг муҳим ҳужжатларини ёзиб берди. I Интернационал пролетариат халқаро бирдамлигини ривожлантиришда катта босқич бўлиб қолди, марксизмни ишчилар ҳаракати билан қўшишдаги муҳим давр бўлди.

Маркс билан Энгельс пролетар революционерларининг А. Бебель, И. Ф. Беккер, Э. Варлен. В. Вольф, Ф. Зорге, П. Лафарг, В. Либкнехт, Л. Франкель ва бошқа шулар каби порлоқ туркумини тарбиялаб етиштирдилар.

I Интернационал доирасида Маркс ва Энгельс нопролетар социализмнинг турли оқимларига қарши, реформизмга ва «сўл» сектантликка қарши кескин кураш олиб бордилар. М. Бакунин ва унинг издошлари бўлган анархистларнинг майда буржуа «революончилиги» ғоявий тор-мор келтирилганлиги ва улар билан ташкилий алоқа бутунлай узилганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маркс анархистларнинг ишчилар синфининг революцион имкониятларига ишончсизликларини, зафарли революциянинг объектив шароитларини тушунмасликларини қоралади. Маркс шу нарсани кўрсатиб бердики анархистларнинг революцион кураш инг объектив равишда зарур босқичларидан сакраб ўтишга уринаётганликлари, исён ўз-ўзидан бошланиб кетади, деб тарғиб қилишлари, ишчилар ҳаракатининг раҳбар кучи бўлган партияни инкор қилишлари асдини олганда буржуазия олдида таслим бўлишга олиб келади. Маркс ишчилар ҳаракати ичида бузғунчилик қилаётган «сўл» сектантликни пролетариат ишига қилинаётган хоинлик, деб қаттиқ қоралади.

Халқаро пролетариат I Интернационал байроғи остида биринчи марта қудратли революцион куч бўлиб майдонга чиқди. Бу революцион куч шундай янги жамият қурадики. «тинчлик бу янги жамиятнинг халқаро принципи бўлиб қолади, чунки ҳар бир халқнинг ҳукмдори фақат битта нарса, у ҳам бўлса — **меҳнат** бўлиб қолади!» (Асарлар, 17 том. 5 бет).

Интернационал ишчилар синфини тарихда биринчи бўлиб пролетариат давлатини — 1871 йилги Париж Коммунасини вужудга келтириш учун уриниб кўришга ғоявий жиҳатдан тайёрлади. Маркс билан Энгельс Париж Коммунасининг туғилганини қизғин табрикладилар, ўзларининг маслаҳатлари билан Коммуна раҳбарларига кўмаклашишга интилдилар. Маркс Коммуна сабоқларини умумлаштириб унинг ютуқлари ва ҳатоларини анализ қилиб, ишчилар синфининг илғор назарияси ва мустақил сиёсий партияси бўлиши зарурлигини яққол кўрсатиб берди, жамиятни революцион йўл билан ўзгартиришнинг муқаррар шарти бўлган пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимотни ривожлантирди.

Коммунадан кейин марксизм бора-бора ишчилар ҳаракатида асосий оқим бўлиб қолди. Жаҳон тарихининг янги даври — марксизмнинг кенг тарқалиш даври оммавий социалистик ишчи партиялари ўсиш даври бошланди.

5. **XIX асрнинг охирида, капиталистик мамлакатларнинг аксариятида ишчилар синфининг мустақил сиёсий партиялари тузилиб бўлганидан кейин халқаро пролетар бирлашмасини ташкил этиш вазифаси яна биринчи ўринга кўтарилди.** 1889 йилда Ф. Энгельснинг бевосита иштироки билан тузилган II Интернационал мана шундай бирлашманинг формаси бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

I. Маркс—революцион пролетариатнинг энг улуғ назариётчиси ва йўлбошчиси

1. Марксниng Энгельс билан ҳамдўст бўлиб ишлаб чиққан таълимоти яхлит дунёқарашдир, фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг мунтазам системасидир. К. Маркс билан Ф. Энгельс марксизмнинг уч таркибий қисми бўлган диалектик-материалистик фалсафани, илмий-сиёсий иқтисодни ва илмий социализмни яратиб бердилар. Шу қисмларнинг ҳар бири марксизмгача бўлган ижтимоий фикрни танқидий ўзлаштиришнинг ва янада ривожлантиришнинг натижаси бўлиб, бу ижтимоий фикр XIX асрнинг уч асосий оқимида: немис классик фалсафасида, инглиз сиёсий иқтисодида ва француз утопик социализмида ўзининг энг юксак даражасига етган эди. Марксизм фан тараққиётининг катта йўлидан четда пайдо бўлгани йўқ, балки шу фан эришган барча энг яхши муваффақиятларнинг қонуний вориси ва давомчиси бўлди. Марксизмга қадар бўлган ижтимоий назариялар аксарият эътибори билан мушоҳида характеридаги назариялар эди. Шу назариялардан фарқ қилиб, марксизм революцион кураш оловида ўсиб етишди ва фақат дунёни билишнигина эмас, шу билан бирга дунёни тубдан ўзгартиришнинг ҳам қудратли қуроли бўлиб қолди.

а). К. Маркс билан Ф. Энгельс табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фан бўлган диалектик ва тарихий материализмни вужудга келтириб, фалсафада буюк революцион тўнтариш қилдилар.

Марксга қадар бўлган даврда кўпгина файласуфлар материалистик ҳулосаларга келган эдилар. Лекин уларнинг материализми ҳар томонлама ва изчил материализм эмас эди, ривожланиш назарияси билан узвий равишда қўшилмаган эди, инсоният жамиятини билишга татбиқ қилинмаган эди. Маркс билан Энгельс тўла фалсафий оқимларнинг идеализмини ва метафизикасини кескин равишда бартараф қилдилар, материализмни диалектика билан қўшдилар, унинг қоидаларини ижтимоий жараёнларни билишга татбиқ қилиб, янги, чинакам илмий фалсафий таълимотни — диалекгик материализмни яратиб бердилар.

Марксизм ўзигача бўлган фалсафанинг мушоҳадачилиги билан алоқани узиб, унга актив, ўзгартирувчи тус берди, уни ижтимоий тарихий практика билан чамбарчас боғлади. Маркс бундай деган эди: «Файласуфлар оламни турлича **изоҳлаб** келдилар, лекин гап—уни **ўзгартиришдадир**» (Асарлар, 3 том, 4 бет).

Маркс материализмни тарихий ривожланишни тушунишга татбиқ қилиб, ижтимоий ҳаётда моддий ишлаб чиқаришнинг белгиловчи ролини исботлаб берди. Марксниng назарида тарих қонуниятли жараён бўлиб, бу жараён давомида бир иқтисодий-ижтимоий формациянинг ўрнини иккинчиси эгаллайди. Маркс халқ оммасининг тарихидаги ҳал қилувчи ролини ва ижтимоий ривожланиш давомида бу роль оша боришини асослаб берди. Марксизм тарихий жараённинг объектив характерини эътироф қилиб, инсонларнинг онгли фаолияти бу жараёнда катта роль ўйнашини кўрсатиб ўтади, революцион назарияга жуда катта аҳамият беради.

б) **К. Маркс илмий-сиёсий иқтисодни вужудга келтирди, ишчилар синфининг революцион курашини ва ғалабасини иқтисодий жиҳатдан асослаб берди.**

Маркс ўзининг асосий асари бўлган «Капитал»да ва бошқа асарларида буржуа жамияти ҳаракатининг иқтисодий қонунларини ва капиталистик эксплуатация механизмини очиб бериб, ёлланган ишчилар меҳнатининг ҳақ тўланмаган қисми яратиб берган маҳсулотни капиталистлар ўзлаштириши йўли билан мана шу эксплуатация вужудга келишини исботлаб берди. Шу тариқа пролетариат билан буржуазия ўртасидаги муросасиз синфий антагонизмнинг энг чуқур негизи очиб берилди. Қўшимча қиймат назарияси Маркс иқтисодий таълимотининг негизи бўлиб қолди.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулини революцион тарзда йўқ қилиб ташлаш йўли билангина ишчилар синфи озод қилиниши мумкин. Маркс шуни исботлаб берди-ки, капитализм ривожлана борган сари ишлаб чиқариш капиталистик тарзда умумлаша беради, тағин ҳам юксакроқ ижтимоий тузум — социалистик тузум учун моддий шарт-шароит яратила боради. Маркс буржуа жамиятидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ишлаб чиқариш натижаларини ҳусусий мулкчилик тарзида ўзлаштириш ўртасидаги зиддиятни очиб ташлади. Капиталзмнинг барча зиддиятлари кескинлашаётганлиги асосида мана шу зиддият ётибди ва бу зиддият социалистик революциянинг объектив шарт-шароитидир. Бинобарин, социалистик революция бўлиши муқаррар, деган ҳулоса марксизмнинг иқтисодий назариясидан бевосита келиб чиқади. Мана шу назария ва тарихни материалистик тушуниш туфайлигина социализм илмий характер касб қилди. Социализм сиёсий иқтисодининг энг муҳим принциплари Марксниng иқтисодий таълимотида таърифлаб берилди.

в) **Маркс билан Энгельс яратиб берган илмий социализм революцион ишчилар ҳаракатнинг назарияси ва программасидир.**

Маркс билан Энгельс капитализм ривожланишининг қонунияларини тадқиқ қилиб, барча революцион вазифалар орасида энг революцион вазифани—капитализмни, умуман ҳар қандай эксплуатацияни емириб ташлаб, коммунистик жамият қуриш вазифасини тарих пролетариат зиммасига юклаганлигини ва пролетариат мана шу вазифани бажарувчи социал куч эканлигини кўришга муваффақ бўлдилар. Марксниng энг катта хизмати шундаки, у, пролетариатнинг жаҳоншумул тарихий вазифасини асослаб берди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс социалистик революция тўғрисидаги таълимотни чиплаб чиқдилар, социалистик революция пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, янги жамият қуриш учун шароит вужудга келтиришига имкон берадиган бирдан-бир усул эканлигини кўрсатиб бердилар. Улар оммаининг революцион ижодкорлигига жуда катта аҳамият бериб келдилар, социалистик революция проблемаларининг ҳаммасини бир қолипга солишга қарши чиқдилар, социалистик революцияни амалга ошириш формалари жуда хилма-хил эканлиги тўғрисидаги идеяни илгари сурдилар.

К. Маркс билан Ф. Энгельс революцион синфий кураш назариясини буржуазия билан пролетариат ўртасида синфий ҳамкорликни тарғиб қилиш билан ўнг оппортунистларча алмаштиришни қатъиян рад қилдилар, капитализм социализмга тинч ўсиб кириши мумкин, деган реформистик уйдирмаларни, шунингдек капитализмнинг социал-иқтисодий негизларини сақлаб қолган ҳолда унинг иллатларини ва зиддиятларини йўқотиш мумкин, деган даъволарини ҳам фош қилиб ташладилар. Айни вақтда марксизмнинг асосчилари майда буржуа «сўл» оппортунистлар ва сектантларнинг авантюристик тактикасини ва соҳта революцион баландпарвоз гапларини шафқатсизлик билан танқид қилдилар. Улар революцион вазият билан ҳисоблашмай, революция «қилиш»га қаратилган уринишлардан эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидладилар, «радикал социалистик революция иқтисодий ривожланишнинг муайян тарихий шароити билан боғланганлиги»ни (Асарлар, 18 том, 612 бет) қайта-қайта уқтирдилар.

Маркс билан Энгельс қайта-қайта тушунтириб айтдиларки, жамиятни революцион йўл билан ўзгартириш узоқ давом этадиган мураккаб иш бўлиб, бу иш буржуа-демократик тўнтариш билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Мулкдор синфларнинг ҳаммаси ҳукмронликдан четлаштирилмагунча, пролетариат давлат ҳокимиятини ўз қўлига олмагунча революция давом эта бериши лозим. Бу курашда ишчилар синфи капитал эксплуатация қилаётган барча меҳнаткашларнинг ва аввало деҳқонларнинг манфаатларини ифодаловчи куч бўлиб майдонга чиқади. «Шунинг учун деҳқонлар буржуа тартибини ағдариб ташлаш вазифасини бажарувчи **шаҳар пролетариатини** ўзининг табиий иттифоқчиси ва йўлбошчиси деб билади». (Асарлар, 8 том, 211 бет.)

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимот илмий социализм назариясида марказий ўринни олиб турибди. К. Марксниng сўзи билан айтганда, синфий курашни тушуниб олишга у қўшган ҳисса шундан иборатки. «1) **синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий фазаларигагина** боғлиқдир, 2) синфий кураш албатта **пролетариат** диктатурасига олиб боради, 3) бу диктатуранинг ўзи **ҳар қандай синфларни йўқ қилиб, синфсиз жамиятга** ўтишдан иборат...» (Асарлар, 28 том, 427 бет).

К. Маркс билан Ф. Энгельс шуни исботлаб бердиларки, пролетариат ўз ҳукмронлигини ўрнатаётганида буржуазиянинг тайёр давлат машинасидан фойдаланиши мумкин эмас, балки бу машинани синдириб, мажақлаб ташлаб давлат ҳокимиятининг янги системасини вужудга келтириши лозим. Пролетариат диктатураси экспроприаторларни экспроприация қилишдан иборат ўзининг тарихий вазифасини бажаради, ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостиради, антагонистик синфларнинг мавжудлигига асос бўлган шарт-шароитни тугатади, ҳусусий мулкни муҳофаза қилиб ва таъминлаб келган нарсаларнинг ҳаммасини емириб ташлайди, социалистик жамият қуришни ташкил этади.

К. Маркс билан Ф. Энгельс шуни исбот қилиб бердиларки, капитализм ўрнини социализмнинг эгаллаши бир қанча босқичлардан ўтадиган қонуниятли тарихий жараёндир. К. Маркс билан Ф. Энгельс коммунистик жамият қуйидаги босқичлардан ўтиб, такомил топишини зийраклик билан олдиндан кўриб айтиб бердилар: капитализмдан социализмга ўтиш даври; коммунизмнинг биринчи фазаси — социализм ва олий фазаси — коммунизмнинг ўзи.

Социал зулм ва тенгсизликнинг ҳар қандай турлари ва формаларидан халқ оммасини тўла равишда озод қилиш, ижтимоий турмушни энг мақбул тарзда ташкил этиш, шахсни ҳар томоплама ривожлантириш, одамнинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилишига эришиш шарт-шароитларини аниқлаб, йўлларини кўрсатиб бериш марксизмнинг олий вазифасидир. Коммунизм айрим шахсий манфаатлари билан бутун жамиятнинг манфаатларини уйғунлаштириб бир-бирига қўшишни таъқозо қилади. Коммунизм гуманизмнинг реал ифодасидир.

2. **Маркс пролетариат синфий курашн стратегияси ва тактикасининг энг муҳим принципларини белгилаб берди.** У революцион ҳаракатнинг ҳамма босқичларида қуйидагиларни таъминлашни зарур деб ҳисоблади:

— бутун озодлик ҳаракатида ишчилар синфининг сиёсий партияси бош бўлган ҳолда шу синфнинг раҳбарлик ролини амалга ошириш;

— ҳаракатнинг широрвди мақсадлари учун курашни ишчилар синфининг энг яқин иқтисодий ва сиёсий вазифаларини ҳал қилиш билан қўшиб олиб бориш;

— пролетариатнинг меҳнаткашларнинг кенг табақалари билан ва аввало деҳқонлар билан мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш;

— пролетариат синфий ҳаракатини демократик яркинликлар, мазлум халқларни миллий озод қилиш учун олиб борилаётган курашни қўллаб- қувватлаш билан бирга қўшиш;

— пролетар интернационализмига содиқлик;

— илмий коммунизм принципларига содиқлик ва тактиканинг пухталиги.

Марксизм таълим бериб айтадики, капиталнинг халқаро кучига, турли мамлакатлардаги буржуазиянинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб пролетариат ҳаракатини бостириш учун қилаётган уринишларига ишчилар синфи ў

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ

(Бошн биринчи бетда).

К. Марксниң вафотидан сўнг (1883 йил 14 март) Ф. Энгельс ҳалқаро пролетариатниң йўлбошчиси бўлиб қолаберди. У марксизмни пропаганда қилишда ва янада ривожлантиришда жуда катта хизмат кўрсатди. Энгельс майда буржуача социалистик доктриналарга, марксизмни бузишга ва вулгарлаштиришга қаратилган уринишларга қарши кескин кураш олиб борди, оппортунистик келишувчилик тенденцияларига ҳам, шунингдек «революцион» қуруқ гапларнинг ишқивозларига ҳам қатиқ қарши чиқди. У марксизмниг революцион моҳиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, марксизмнинг асосий қоидаларини догма тариқасида тушунишни, ҳилма-хил шароитларда марксизмни амалий қўллана билмасликни жиддий хавф, деб билди. Энгельс турли мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатининг арбоблари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни давом эттирди, уларга ўзининг маслаҳатлари билан ҳамиша ёрдамлашиб турди, ўзининг жуда катта тажриба ва билимларини улар билан бўлиша бўлди.

Янги Интернационал ишга тушган дастлабки даврда асосан у марксизм заминида туриб иш олиб борди. У марксизмни янада мустаҳкамлашга, уни курашаётган пролетариатнинг кенг оммаси орасига ёйишга ёрдам берди, ишчилар синфининг касаба, кооператив, хотин-қизлар, ёшлар ва бошқа оммавий ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, шунингдек буржуа парламентаризмидан меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишга кўмаклашди.

Бироқ, Ф. Энгельснинг вафотидан сўнг империализм даври бошланиши билан II Интернационал фаолиятида оппортунистик тенденциялар кучая борди. II Интернационалнинг раҳбарлик составида устун бўлиб қолган оппортунизм оқибат натижада уни ғоявий-сиёсий жиҳатдан айнашга ва ҳалокатга олиб келди.

6. К. Маркс билан Ф. Энгельс Россиянинг революцион имкониятларига чуқур ишондилар. Маркс Россиядаги социал-иқтисодий аҳволни, синфий кучларнинг тутган ўрнини биринчи манбалардан ўқиб батафсил ўрганиб борди. У революцион демократлар Н. Чернишевский ва Н. Добролюбов асарларига юксак баҳо берди. Маркс рус революционерларининг кўплари билан таниш эди, улар билан яқиндан алоқа қилиб турди. Россияни унинг ички ва ташқи аҳволини Маркс каби яхши билган ҳеч кимни учратган эмасман, деб Энгельс жуда ҳақ гапни айтган эди.

Маркс билан Энгельс, рус революцияси Европа учун, Ғарбда пролетар революцияларининг ғалаба қилиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисобладилар. Маркс Россиядаги революцион ҳаракат истиқболларига баҳо бериб, ёзган эдики, бу ҳаракат «оқибат натижада, эҳтимолки узоқ ва шиддатли курашдан кейин, Россия Коммунасини тузишга муқаррар олиб келиши лозим бўлади». (Асарлар, 19 том, 252 бет.). Тарих Марксниng бу илмий башоратини тўла равишда исботлади.

7. Марксизмниng янада ривожланиши, пролетариатниng революцион ҳаракатида марксизмниng тарихий роли ошиб бориши, интернационализм асосида революцион кучларниng жипслашуви Марксниng содиқ издоши, унинг ишларининг ва таълимотининг геннал давомчиси Владимир Ильич Ленининг назарий ва амалий фаолияти билан боғлиқдир. Янги тарихий даврда ленинизм революцион фикрниng ва революцион ҳаракатниng жонли манбаи бўлди.

Ленинизм- — марксизмнинг янги олий босқичидир, янги тарихий шароитларда, империализм ва пролетар революциялари шароитида, инсоният капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтаётган шароитда марксизмниng ижодий ривожланишидир. Пролетар революцион кураши назарияси ва практикасининг давомийлиги ленинизмда акс этди. Ленин марксизмга киритган янгиликлар Маркс ва Энгельс таълимотининг моҳиятига ва методига асосланди. Ленин марксизмни яхшилаш байроғи остида эскириб қолган қоидаларни янгилаш ниқоби остида марксизмниng революцион моҳиятини пучайтиришга уринган буржуазия идеологлари ва ревизионистларига қарши курашда муросасиз бўлди. Шу билан бирга Ленин марксизм назариясига догматик қарашга қарши ҳам кескин кураш олиб борди. Маркс таълимотига ижодий ёндошиш Ленинниng революцион кураш назариясини, стратегиясини ва тактикасини ҳар томонлама ривожлантиришига ва бойитишига имкон берди.

Ленинизм — ягона интернационал таълимотдир. Бу таълимот К. Маркс ва Ф. Энгельсдан сўнг бутун жаҳон озодлик ҳаракатида ва илмий билимлар соҳасида тўпланган жамики тажрибанинг якунидир. Марксизмниng бутун таркибий қисмларини — фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизмни Ленин ривожлантирди. У революциянинг марксча назариясини бойитиб конкретлаштирди, социализмниng аввал бир неча ёки ҳатто алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарди, буржуа демократик революциясининг ўсиб социалистик революцияга айланиши тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқди, пролетар революциясини миллий озодлик кураши билан қўшиш идеясини ривожлантирди. В. И. Ленин янги типдаги пролетар партияси тўғрисида яхлит ва мунтазам таълимотни ишлаб чиққанлиги марксизм хазинасига қўшилган жуда катта ҳисса бўлди. Ленин тузган большевиклар партияси янги типдаги биринчи партия, шу партиянинг намунаси бўлиб қолди.

Ленин гениал назариётчи сифатидагина эмас, шу билан бирга революцион курашнинг буюк ташкилотчиси сифатида ҳам Маркс билан Энгельснинг муносиб вориси бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси бўлган Ленин биринчи бўлиб социалистик қурилиш проблемаларини ишлаб чиқди ва бу проблемаларни амалий ҳал этишга раҳбарлик қилди.

Ленининг, большевистик партиянинг назарий ва амалий фаолияти халқаро ишчилар синфини революцион руҳда тарбиялашга ва жипслаштиришга, бошқа мамлакатларда коммунистик партияларни шакллантиришга ёрдам берди.

Большевизм халқаро аҳамият касб қилди, Ленининг ёзишича, «Большевизм тинчлик даври ғалабаларини ҳам, **революцияларниng бошланган даврининг** тажрибаларини ҳам ҳисобга олувчи чиқаким пролетар ва коммунистик III Интернационалнинг ғоявий ва тактик асосларини **вужудга келтирди».** (Асарлар 28-том, 316-бет).

Ленин ташаббуси билан 1919 йилда вужудга келтирилган III Коммунистик Интернационал бутун дунёдаги ишчилар синфининг илғор, энг революцион элементларини жипслаштирди, коммунизм идеяларини омма орасига ёйишга жиддий ёрдам берди.

Революцион назарияни ривожлантиришдаги ленинча босқич XX асрнинг марксизмидир, ҳозирги давр марксизмидир. Ленинча давр Ленин барҳаёт бўлган давр билан чекланиб қолмайди, бу босқични КПСС ва қардош партияларнинг назарий фаолияти узлуксиз давом эттирмоқда, бу босқич жаҳон коммунистик ҳаракатининг программ дастурларида мужассамланмоқда.

Ҳозирги даврнинг характери, жаҳон революцион жараёнидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучлар ва истиқболлар белгилаб берилганлиги, халқаро коммунистик ҳаракатнинг стратегияси ва тактикаси, ишчилар ҳаракатининг ва миллий озодлик ҳаракатининг актуал проблемалари, ҳозирги замон шароитида турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш йўллари ва формалари ишлаб чиқилганлиги марксча-ленинча фикрниng замонимиздаги энг муҳим муваффақиятларидир.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг жуда катта амалий тажрибасини умумлаштириш асосида социалистик жамиятниng асосий қонуниятлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари очиб берилди, марксизм-ленинизмнинг социалистик жамиятнинг иқтисодий ва маданий қурилиши тўғрисидаги, синфий структурадаги ўзгаришлар ва синфий тафовутларни бартараф қилиш йўллари тўғрисидаги, социалистик давлат ва демократия тўғрисидаги, социализмниng ўсиб аста-секин коммунизмга айланиш босқичлари ва шароитлари тўғрисидаги қоидалари ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Марксистларниng коллектив куч ва ғайрати билан революцион назарияни ишлаб чиқишни давом эттириш — халқаро коммунизмниng муҳим интернационал бурчидир.

II. СССРда социализм ғалабаси, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши— марксизм-ленинизмниng улуғ тантанаси

8. Инсониятниng капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси марксизм-ленинизм байроғи остида ғалаба қилди. Инсониятниng энг доно кишилари асрлар бўйи орзу қилиб келган социализм, Маркс ва Энгельс хаёлдан фанга айлантирган социализм Совет мамлакатидаги миллионларча меҳнаткашлар ҳаётининг конкрет мазмуни бўлиб қолди. Марксизм-ленинизмниng революцияни амалга ошириш йўллари ва формалари тўғрисидаги, пролетариат партиясининг стратегияси ва тактикаси ҳақидаги, пролетариат диктатураси тўғрисидаги энг муҳим идеялари революция жараёнида рўёбга чиқарилди ва ривожлантирилди. Октябрь илмий коммунизм асосчиларининг революцияда пролетариат ва унинг партиясининг раҳбарлик роли тўғрисидаги, ишчилар синфининг пролетариат раҳбарлигида энг камбағал деҳқонлар билан иттифоқи тўғрисидаги ҳулосасининг улуғ кучи ва ҳаётийлигини кўрсатди.

Маркс ва Энгельснинг давлат тўғрисидаги қарашларини В. И. Ленин тиклади. Оппортунистлар уларнинг бу қарашларини бузган эдилар. В. И. Ленин давлат тўғрисидаги, эски давлат машинасини синдириб ташлаш ва янги давлат аппаратини вужудга келтириш зарур эканлиги тўғрисидаги марксча таълимотни ривожлантирди ва конкретлаштирди. Пролетариат ўзининг сиёсий ҳокимиятидан халқ ғоят кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, ағдариб ташланган синфларнинг шиддатли қаршилигини бартараф қилмоқ учун, революция ғалабаларини ташқи душманлардан ҳимоя қилмоқ учун, социалистик қурилишни ташкил этмоқ учун фойдаланади. В. И. Ленин пролетариат диктатурасининг социал негизини—ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқини очиб берди, пролетариат диктатураси демократиянинг, миллионларча меҳнаткашлар учун демократиянинг олий типи эканлигини кўрсатиб берди.

Октябрь революцияси инсониятниng эски, капиталистик дунёдан янги, социалистик дунёга ўтиши муқаррар эканлиги тўғрисидаги Маркс башорати тўғри эканлигини исбот қилди. Капитализм кенг кўламдаги ҳукмрон система бўлмай қолди. Жаҳон бир-бирига қарама-қарши бўлган икки системага—капиталистик система билан социалистик системага бўлиниб кетди.

9. В. И. Ленин социалистик жамият қурилишининг марксча назариясини ижодий тарзда ривожлантирди. В. И. Ленин капитализмдан социализмга ўтиш даврининг қонуниятлари ва асосий хусусиятларини очиб берди.

СССРда социализм қурилишиниng Ленин ишлаб чиққан плани жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир. Бу план мамлакатни индустрлаштиришни, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуришни, маданий революцияни амалга оширишни кўзда тутар эди.

Экспроприаторларни экспроприация қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини социалистик негизда умумлаштириш —ҳокимият тепасига келган ишчилар синфининг биринчи энг муҳим социал-иқтисодий тадбиридир. Ишлаб чиқариш воситаларининг неча минг йиллаб давом этиб келган хусусий мулкчилигига асосланган ва шу сабабли абадий даҳлсиз бўлиб келган ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнига социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари барпо этилади. Ана шу ўзгаришлар жараёнида эксплуататор синфлар ва одамнинг одамни эксплуатация қилиши тугатилади, ишлаб чиқариш анархияси ва кризислар бартараф қилинади ҳамда хўжаликни план асосида юритиш учун моддий заминлар вужудга келтирилади.

Янги ижтимоий тузумниng моддий техника базасини вужудга келтириш—бу тузумнинг ғалабаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. СССРда социализм қурилиши жараёнида ташқаридан ҳеч қандай иқтисодий ёрдам олинмай, тарихан қисқа вақт ичида мамлакатни индустрлаштириш амалга оширилди.

Социализм инсоният тарихида биринчи марта деҳқонлар масаласининг ҳал этилишини таъминлади. Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш юзасидан марксизм-ленинизм кўрсатиб берган йўл, майда ишлаб чиқарувчиларни кооперативлаштириш йўли деҳқонларнинг манфаатларини бутун жамиятнинг туб манфаатлари билан узвий равишда боғлайди. Совет Иттифоқининг тажрибаси шуни кўрсатдики, майда деҳқон хўжаликларининг кооперативлаштирилиши ва давлат хўжаликлари — совхозларнинг қурилиши қишлоқ хўжалигини социализм асосларида қайта қуриш учунгина эмас, балки қишлоқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини тубдан ўзгартириш учун ҳам имконият туғдирди.

Социализм даврида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари тобора такомиллашади, умумхалқ мулкининг роли ва аҳамияти ўса боради, колхоз-кооператив ишлаб чиқариши ривожланади, пировардида ягона коммунистик мулкни вужудга келтириш учун замин тайёрланади.

Маданий революция—социалистик жамият қурилишининг ажралмас таркибий қисмидир. Маданий революция меҳнаткашларни ёппасига саводхон қилиш, сўнгра эса илмий билимларни улар орасига кенг ёйишни, инсоният тўплаган маданий меросни ижобий тарзда ўзлаштиришни ва юксакроқ маданиятни—шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни яратишни, кишиларниng маънавий қиёфасини ўзгартиришни, омманинг онгида социалистик идеологияни қарор топтиришни, социализм ишига содиқ бўлган янги зиёлиларни вужудга келтиришни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг қолдиқларига қарши, халқаро империализмга қарши кескин синфий курашда социализм ғалаба қилади, деган марксча-ленинча таълимот тўғри таълимот эканлигини тасдиқлади. Совет халқининг фашист агрессиясига қарши олиб борган Улуғ Ватан уруши империализмниng зарбдор кучлари билан социализмнинг энг катта ҳарбий тўқнашуви бўлди. Социалистик тузумнинг ҳаётийлиги ва афзаллиги, совет кишиларининг фронтда ва мамлакат ичкарисида кўрсатган мисли сиз қаҳрамонлиги Совет Иттифоқининг ғалабасида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

10. Совет халқи социализм қуриб, янги даврга—коммунизм қурилиши даврига қадам қўйди. Коммунистик фаза, деган эди Маркс, социалистик жамиятнинг узоқ муддатли тараққиёти натижасида, социализм доирасида коммунизмниng иқтисодий, социал ва маданий заминлари етилган чоғда бошланади.

КПСС XXII съездда қабул қилинган ўз Программасида ана шу режаларни ҳозирги замон шароитларига мувофиқ равишда ривожлантириб ва конкретлаштириб, коммунистик қурилишниng асосий вазифаларини белгилаб берди: Бу вазифалар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришдан, янги кишини тарбиялаб ўстиришдан иборат. Бу вазифалар партия XXIII съездиниг, партия Марказий Комитети 1964 йил октябрь Пленуми ва шундан кейинги Пленумларининг қарорларида ҳар томонлама чуқур асослаб берилди ва ривожлантирилди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Маркс ва Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, коммунизм қуриш ишида социализмнинг иқтисодий қонунларидан энг самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Коммунистик партия ва совет халқининг асосий куч-ғайрати коммунизмниng моддий-техника базасини вужудга келтиришга қаратилган. Партия фан ва техникани ривожлантириш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, узинг иқтисодий самарадорлигини оширш асосида ишлаб чиқарувчи кучларни янада қудратли равишда ўстиришни, мамлакатнинг экономикасини ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштиришни мўлжалламоқда.

Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника жиҳатидан индустриал ишлаб чиқариш даражасига кўтариш ва шу асосда шаҳар ҳаёти билан қишлоқ ҳаёти шароитлари ўртасидаги, индустриал меҳнат билан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш зарур ва мумкин эканлигини асослаб берди.

Совет мамлакатида халқ маорифини кенг кўламда ривожлантириш меҳнаткашларниng маданий-техника савиясини юксалтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш асосида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш процесси содир бўлмоқда.

Меҳнаткашларниng моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш плани—коммунистик қурилиш программасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Жаҳонда энг қимматли деб ҳисобланган инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳт-саодати учун—партиянинг шиори ана шундай.

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот марказлаштирилган тартибда бошқариш билан маҳаллий ташаббусни тўғри ва самарали суратда қўшиб олиб бориш, раҳбарликнинг иқтисодий методларини кучайтириш йўли билан социализм қонунларидан илмий асосда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Бу ислоҳот социализмнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган социалистик принципнинг тўлароқ ифода этилишига ёрдам беради. Партия иқтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатларнинг, меҳнатнинг маънавий стимуллари билан моддий стимулларини тўғри бирга қўшиб олиб бориш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги марксизм-ленинизм идеясини амалга оширмоқда.

Социализм чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар асосида жамиятнинг янги типини—социалистик ижтимоий мулкчилик, туб манфаатларнинг бирлиги билан жипслашган меҳнаткашлардангина иборат жамиятни вужудга келтиради. Социал тенгсизлик қолдиқлари тугатилмоқда, миллатлар ва элатларнинг, эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳақиқий тенглиги қарор топмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқниng социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини тақозо этади. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий соҳаларда бир-бирлари билан анча яқинлашди. Шу билан бирга социалистик жамиятда совет жамиятининг энг илғор, энг уюшган кучи бўлмиш ишчилар синфининг етакчилик роли сақланиб қолмоқда.

Коммунизм қурилиши жараёнида СССР халқлари иқтисодий ва маданий ҳаётининг ҳамма томонларини ривожлантириш даражасини бараварлаштириб бориш тезлашади, социалистик миллатлар бир-бирлари билан яқинлашиб, бир-бирларини бойита боради, уларнинг маданиятидаги, маънавий қиёфасидаги муштарак хусусиятлар узлуксиз юксала боради. Шу билан бирга ҳар бир миллат ва элатнинг ҳаётий кучлари ва қобилиятлари тўлароқ ривож топади, уларнинг экономикаси юксалади, маданияти равнақ топади. Пролетар интернационализми идеялари руҳида тарбиланган СССРдаги барча миллат ва элатлар янги жамият қурилишида, ўзларининг муштарак Ватани—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ҳимоя қилишда ҳар томонлама ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдам намуналарини кўрсатмоқдалар. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Маркс билан Ленининг социалистик давлат ва демократия тўғрисидаги, социалистик жамиятда халқ ҳокимиятини ривожлантириш ҳақидаги идеялари социалистик қурилиш жараёнида рўёбга чиқмоқда.

Имтиёзли озчилик манфаатларига хизмат қилувчи буржуа демократиясидан фарқли ўлароқ социализм бутун меҳнаткаш халқ учун чинакам демократияни таъминлайди. Социалистик тузум ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкини асосида граждапларнинг демократик ҳуқуқларини амалга оширишнинг реал гарантияларини таъминлайди, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг ижодий ташаббус кўрсатишлари учун кенг имконият очиб беради. СССРда меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, қариганда моддий таъминот олиш ҳуқуқлари, сўз, матбуот, йиғилиш ўтказиш ва ижтимоий фаолият эркинлиги ҳақиқатда амалга оширилди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ўз вазифаларини, Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Кенг меҳнаткашлар оммаси жамиятни, давлат ишларини бошқаришга жалб этилмоқда. Социализм тўла, узил-кесил ғалаба қилиши билан пролетариат диктатураси давлати ишчилар синфи раҳбарлик ролини бажаргани ҳолда бутун халқниng сиёсий ташкилотига айланиб бормоқда. Умумхалқ давлати социалистик давлатниng коммунистик ўз-ўзини бошқаришга ўтиш йўлида ривожланиб боришидир.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида совет жамиятининг етакчи ва раҳбар кучи бўлган Коммунистик партиянинг роли ўса боради. Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган КПСС совет халқини коммунизм қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бошлаб бормоқда, бутун совет халқининг ташкилотчиси ва сиёсий йўлбошчиси ролини муваффақиятли бажармоқда.

Совет халқи, бутун дунё халқлари 1967 йилда Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонладилар. Бу—инсоният тарих муқаддимасидан чинакам тарихга қадам қўйган дастлабки ярим асрдир; коммунистик даврнинг биринчи ярим асридир.

III. Марксизм-ленинизм ва ҳозирги замон революцион жараёни

11. Марксизм-ленинизм ҳозирги замон жаҳон революцион жараёнининг моҳияти ва қонуниятларини чуқур очиб беради. Бу революцион жараённинг асосий кучлари қуйидагилардир:

— социализм ва коммунизм қураётган халқлар;

— капиталистик мамлакатларнинг монополиялар ҳукмронлигига қарши халқ оммасининг курашига етакчилик қилаётган ишчилар синфи;

— мазлум халқларнинг ва ривожланиб бораётган мамлакатлар халқларининг миллий озодлик ҳаракати.

Маркс революцияларни образли суратда тарих локомотивлари деб атаган эди. Революциялар синфий-антагонистик жамият тараққиётининг объектив қонуни бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаберади. Ҳар бир революциянинг тарихий миллий шароитларнинг хилма-хиллиги, синфий кучларнинг жойланиши ва нисбатидаги ўзига хос хислатлар туфайли вужудга келадиган ўз хусусиятлари борлиги шубҳасиздир. Аммо, ҳар бир халқниng социализмга бориш йўли капиталистик тузумни, умуман эксплуататорлик муносабатларини революцион тарзда емириб ташлаш орқали ўтади.

Революция барча меҳнаткашларнинг иши бўлиб, социалистик революциянинг ҳаракатига келтирувчи асосий кучи бўлган ишчилар синфи етакчилик ролини бажаргани ҳолда халқ томонидан амалга оширилади. Оммани уюштириш, ирода бирлиги ва ҳаракат жипслигини таъмин этишдан иборат буюк вазифани бажарувчи Коммунистик партия ишчилар синфининг раҳбар ядросидир.

Ленин барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг миллий озодлик ҳаракати билан халқаро ҳамкорлигини революцион курашнинг энг муҳим қонуни деб эълон қилди. Ҳозирги жаҳон революцион жараёни: «Бутун дунё пролетарлари ва мазлум халқлар, бирлашингиз!» деган шиор остида ривожланиб бормоқда.

Революцион вазиятнинг мавжудлиги пролетариатнинг эксплуататорларга қарши курашда ғалаба қозонишининг энг муҳим шартидир. Ана шу революцион вазият сиёсий ва социал зиддиятлар кескинлашувининг объектив процесси билан, шунингдек, субъектив омилларнинг етилиши билан ҳам тайёрланади. Тажриба шуни кўрсатадики, авангарднинг революциянинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжудлигини эътиборга олмай ҳаракат қилишга уринишли халқларнинг озодлик ҳаракатига катта зарар етказиши мумкин.

Синфий курашнинг ҳозирги кўламлари ва унинг мазмуни Маркс ва Ленининг социализм учун кураш демократия учун кураш билан маҳкам боғланганлиги тўғрисида такрор-такрор берган кўрсатмалари жуда тўғри эканлигини ҳам тасдиқлайди. Ҳозирги вақтда демократик вазифалар билан социалистик вазифаларни тобора маҳкам қўшилиб кетмоқда. Тинчлик, демократия, миллий мустақиллик, социализм учун кураш — ягона процессниng чамбарчас боғланган бўғинларидир. Демократик мақсадларга эришиш йўлидаги оммавий ҳаракатлар революцион-ўзгартирувчилик ҳаракати доирасини кенгайтиради, аҳолининг жуда кенг қатламларини бирлаштириш, реакция ва уруш кучларига қарши ҳужум қилмоқ учун қудратли сиёсий кучни вужудга келтириш имконини беради. Империализмга қарши бирлашган жаҳоннор халқаро фронтни вужудга келтириш учун шарт-шароит яратилмоқда.

12. СССРда коммунизм қурилиши, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида социализмниng мустаҳкамланиши — жаҳон революцион жараёнининг энг муҳим кичмидир. Совет халқи коммунистик жамиятниng муҳташам биносини барпо этиш билан ўзининг миллий вазифаларини ҳал этибгина қолмай, балки революцион озодлик ҳаракатининг кучларини кўпайтириб ва бу ҳаракатнинг базасини мустаҳкамлаб, ўзининг интернационал бурчини ҳам бажармоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берди. Октябрь идеяларининг таъсири ва СССРда социализмнинг муваффақиятлари таъсири билан, иккинчи жаҳон уруши йилларида империализм зарбдор кучларининг тормор қилиниши натижасида бутун дунёда социализм кучлари ўсди ва мустаҳкамланди, жаҳон капитализмининг позициялари заифлашиб қолди. Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида социалистик революциялар ғалаба қилди. Бу мамлакатларниng халқлари социализм йўлига ўтиб олдилар. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Жаҳон социалистик системаси халқаро пролетариатниng фарзанди, унинг асосий ютуғи, ифтихори ва умидидир. Жаҳон социализм системаси ташкил топгандан буён ўтган салкам чорак аср мобайнида инсоният фаолитининг ҳамма соҳаларида ўз даврини кечириб бўлаётган капитализм системасига нисбатан жуда катта афзаллигини исбот қилди. Жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланиб борган сари марксизм-ленинизмниng жаҳондаги тараққиётга таъсири ўсиб бормоқда, шарт-шароит ва халқаро вазият жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун, коммунизм учун курашаётган кучлар фойдасига тобора қатъий ўзгариб бормоқда.

Социализм йўлига ўтиб олган мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштириш, жаҳон социалистик системасининг бирлигини мустаҳкамлаш — коммунистик ва ишчи партияларниng интернационал бурчидир. Маркс ишчиларга васият қилиб, ҳокимият тепасига келганингизда «ишлаб чиқаришнинг ижтимоий формаларини миллий ва интернационал миқёсда уйғун равишда мувофиқлаштириб олиб бориш»га эришингиз, деган эди (Асарлар 17 том, 553-бет).

Социалистик мамлакатларниng қардошларча ҳамкорлиги моддий ресурслардан мақсадга энг мувофиқ суратда фойдаланиш ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ёрдам беради. Социалистик система иқтисодий тараққиёт суръатлари жиҳатидан капитализм дунёсидан анча ўзиб кетди ва жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ўз ҳиссасининг узлуксиз кўпайиб боришига эришди, капитализм кучларини ғоят заифлаштириб қўйди, ривожланиб бораётган мамлакатларни талон-торож қилишнинг империалистик системасини барбод қилди. Тарихий тажриба Ленининг барча мамлакатлардаги илғор ишчиларнинг социалистик ҳаракатлари ва миллий озодлик ҳаракатларни социалистик республикалар теварагига уюша боради, деган қоидаси тўғри эканлигини тасдиқлади. Социалистик мамлакатлар социалистик тараққиёт йўлидан бораётган ёш давлатларниng мустаҳкам ҳимоячисидир. Улар бу давлатларга кенг кўламда иқтисодий, илмий-техника ёрдами кўрсатмоқдалар, шунингдек ўз миллий кадрларини тайёрлашда ҳам уларга кўмаклашмоқдалар. Социалистик мамлакатлар билан ёш прогрессив давлатларниng ўзаро муносабатлари империализмниng иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги доирасини анча торайтириб қўймоқда, социализм ғоялари эса Африка, Осиё, Лотин Америкасида тобора кенг ёйилмоқда.

Социалистик мамлакатларниng илғор, демократик нарсаларнинг ҳаммасини ҳимоя қилиш, халқларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида империалистларнинг реакцион, агрессив ҳаракатларига қарши қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати социал тараққиётниng жуда муҳим омилидир.

13. Ҳозирги даврда капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати бенҳоя ўсди. Марксниng инсониятнинг уйғониши ишчилар синфининг кўлидадир, қуёш зулматга қарши бўлганидек, бу синф ҳам буржуазияга қарши чиқади, деган сўзлари жанговар амалий аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Мураккаб ва зиддиятли процесслар ҳозирги замон капитализмига хосдир. Ана шу зиддиятлар капитализмниng умумий кризисини янада чуқурлаштириб юбормоқда. Монополистик буржуазия экономикани давлат йўли билан бошқариша, иқтисодни ва социал соҳаларда найранг ишлатишга мажбур бўлиб қолди.

Ленин монополистик капитализмниng монополиялар билан буржуа давлати кучини ягона механизм қилиб бирлаштирувчи давлат-монополистик капитализмга айланишидан иборат объектив тенденция борлигини кўрсатиб берган эди. Ана шу объектив тенденция ишчилар синфининг кураши учун принципиал аҳамиятга эгадир. Давлат-монополистик капитализми монополияларни бойитиш, меҳнаткашларни талаш, ишчилар ҳаракатини ва миллий озодлик курашини бостириш, агрессив урушларни бошлаб юбориш манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилмоқдаки, бу, капитализмниng барча зиддиятларини кескинлаштириб юбормоқда. Ҳозирги вақтда АҚШ, Англиянинг ва бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларниng экономикаси жиддий ларзаларни бошдан кечирмоқда, бу ҳол жумладан, валюта-молия системасининг кескин танглигида ўз ифодасини топмоқда.

Монополистик буржуазия меҳнатни интенсивлаштириш, ёлланган ишчиларнинг жисмоний кучлари ва асаб системасини ҳаддан ташқари зўриқтириб ишлатиш йўли билан қўшимча қиймат нормаларини максимал даражада кўпайтиришга интилмоқда. Ишчилар эса, Маркс кўрсатиб ўтганидек, доим бунга хилоф суратда тазйиқ ўтказадилар. «Бутун гап курашаётган томонлар кучларининг нисбати тўғрисидаги масалага бориб тақалади». (Асарлар, 16-том 151-бет).

Жаҳон социализм системаси мавжуд бўлган, буржуазия пролетариатниng революцион ҳаракатларидан беҳад қўрқаётган, синфий кураш миқёслари кенгайиб кескин тус олган ҳозирги шароитда ишчилар синфи корхона эгаларини муайян даражада ён беришга мажбур этмоқда.

Жаҳон социализмининг муваффақиятлари, капитализм кризисининг чуқурлашиб бораётганлиги, капитал мамлакатларида демократик ҳаракатнинг ривожланиб, коммунистлар таъсирининг кучайиб бораётганлиги синфий кураш шароитларида ишчилар синфи фойдасига анча ўзгартириб юборди:

— ҳозирги вақтда капиталистик мамлакатлардаги пролетариатниng кураши жаҳон социалистик системасининг муваффақиятлари билан узвий равишда боғланган;

— давлат-монополистик капитализми шароитида, айрим корхона эгалари ва уларниng бирлашмаларигина эмас, балки буржуа давлатининг ўзи ҳам иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам пролетариатнинг бевосита душмани сифатида ҳаракат қилаётган бир пайтда меҳнаткашларниng иқтисодий кураши бу давлатга қарши қаратилмоқда;

— капиталистик мамлакатларда ишчилар синфининг қўлга киритган демократик ҳуқуқлардан монополиялар ҳукмронлигига қарши кураш олиб бориш учун фойдаланиш имкониятлари кўпайди;

— ишчиларнинг ва барча меҳнаткашларнинг монополиялар ҳукмронлигига қарши, империалистик ҳукуматларнинг агрессив ва реакцион йўлига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган умумдемократик кураши империалистик буржуазиянинг позицияларига путур етказмоқда ва монополияга қарши кенг фронтниng вужудга келтирилишини ҳамда социалистик революция ғалабасини енгиллаштирмоқда;

— капитализмдан социализмга ўтишнинг объектив шарт-шароитлари кенгайди, социалистик революция воситалари, ҳокимиятни қўлга киритиш форма ва метсдлари кўпайди;

— ишчиларнинг тобора янги-янги отрядлари коммунистик партиялар байроғи остига ўтмоқдалар, ишчилар синфининг чинакам етакчилари бўлган коммунистларнинг обрўси мустаҳкамланиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси капиталистик мамлакатларда синфий жангларнинг янги палласи бошланганлигидан далолат беради ва социал реформистларнинг синфий курашнинг сўниб бораётганлиги ва капитализмнинг эволюцион тарзда социализмга айланаётганлиги тўғрисидаги концепциялари асоссиз эканлигини фош қилади.

Ҳалқаро ишчилар синфи сафларининг бирлиги ва жипслиги унинг муваффақият қозонишининг энг муҳим гаровидир. Ишчилар синфининг жипслигига путур етказиш империалистик реакциянинг фойдасига, ҳукмрон синфларнинг сиёсий ва ғоявий малайлари, социал демократия ва касаба союзларининг ўнг раҳбарлари ишчилар ҳаракатидаги нифоқнинг сақланишидан манфаатдордирлар.

(Охири учинчи бетда).

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ

(Боши иккинчи бетда).

Халқаро ишчилар ҳаракати барча отрядларининг мустаҳкам бирлиги, пролетар интернационализми принципларини изчиллик билан амалга ошириш — бу ҳаракатнинг узил-кесил ғалаба қозониши учун зарур шартдир. «Ишчилар синфининг интернационал иттифоқигина, — деб таълим беради Маркс, — унинг узил-кесил ғалаба қозонишини таъминлай олади». (Асарлар, 16-том, 336-бет).

14. **Халқаро пролетариатнинг революцион ғалабалари натижасида, марксизм-ленинизм идеяларини амалга ошириш натижасида халқларни мустамлакачилик зулмидан озод қилиш даври келди.** Империализм мустамлакачилик системасининг кризиси улуғ Октябрь ғалабасидан кейин бошланди. Улуғ Октябрь Маркс—Энгельс—Ленининг социалистик революциянинг миллий озодлик ҳаракати билан иттифоқи тўғрисидаги идеяларини амалга оширди. СССР да миллий масаланинг марксизм-ленинизм принциплари асосида муваффақиятли ва ҳаққоний ҳал этилганлиги мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг озодлик курашига янги далда бўлди. СССРнинг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси, жаҳон социализм системасининг ташкил топганлиги бу кураш учун қулай вазиятни вужудга келтирди. Миллий озодлик революцияларининг тазъиқи остида империализмнинг мустамлакачилик системаси емирилди. Халқаро пролетариатнинг янги отряди — озод бўлган давлатларнинг ёш ишчилар синфи жаҳон майдонига чиқди. Миллий озодлик революцияларининг асосий тиғи империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши қаратилган.

Империализм ва аввало, АҚШ империализми миллий озодлик ҳаракатининг асосий душмани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Империализм ёш миллий давлатларни тенг ҳуқуқли бўлмаган ҳолда капиталистик хўжалик системасида сақлаб қолишга, халқларнинг революцион ҳаракатига путур етказиш ва бу ҳаракатга тўсқинлик қилишга интилмоқда. АҚШ Вьетнамда жиноий уруш олиб бормоқда. Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши кураши озодлик ва мустақиллик учун жанг қилаётган халқнинг қаҳрамонлиги, сабот-матонати ва мардлигини кўрсатувчи ажойиб намунадир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнам халқига унинг ҳаққоний курашида ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар.

Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессиясини уюштириш ва қўллаб-қувватлаш, озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида АҚШнинг Америка қитъасидаги, Шарқи-Жанубий Осиё ва Африкадаги мамлакатларнинг ички ишларига қурол кучи билан аралашаётганлиги ҳам империализмнинг агрессив сиёсатини ифода этади.

Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган коммунистик ва ишчи партиялар мазлум халқларга мустақиллик бериш учун, мустамлакачиликни тамомила тугатиш учун ҳамма ишчил кураш олиб бормоқдалар. Марксизмнинг: «Бошқа халқларни эзувчи халқ озод бўла олмайди!» деган шиори коммунистик ҳаракатнинг программ талаби бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, замонамизнинг барча прогрессив кучлари эски ва янги мустамлакачиликни тўла ва узил-кесил тугатишга ҳаракат қилмоқдалар, ёш миллий давлатларнинг империализмга қарши, тўла сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун олиб бораётган курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар, ёш миллий давлатларнинг ички ишларига империалистларнинг аралашувига қарши чиқмоқдалар.

Ривожланиб бораётган мамлакатлар олдида капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, социал тараққиёт йўлидан бориш имкониятлари очилмоқда. Чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларини ҳал этиш — озод бўлган кўп мамлакатларнинг диққат марказида турибди. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўп мамлакатлар халқларининг социализм сари зўр бериб интилаётганликлари — миллий озодлик ҳаракатининг қонуний якунидир. Миллий давлатлардаги ёш революцион-демократик партияларнинг халқаро коммунистик ҳаракат билан алоқалари кучайиб бормоқда ва социализм позициясида турган бу партияларнинг баъзилари меҳнаткашларнинг кенг қатламларини ўзига эргаштириб бораётган нуфузли кучдир.

15. **Ҳозирги коммунистик партиялар — меҳнаткашларнинг озодлик ҳаракатларига етакчилик қилаётган ишчилар синфининг жанговар авангардидир.** Кейинги ўн йил ичида революцион процесс кенгайиб, ҳақиқатан ҳам бутун жаҳонга ёйилди. Ленининг жуда хилма-хил кучлар ва ҳаракатлар империализмга қарши курашда ягона оқимга қўшилиб кетадилар, деб қилган гениал башорати рўёбга чиқмоқда. Халқаро коммунистик ҳаракат империализмга қарши чиқаётган барча отрядларни жипслаштириб, бирлаштириб ва уларни ягона мақсад сари отлантириб, буюк тарихий вазифани бажармоқда. Жаҳон коммунистик ҳаракати бутунжаҳон революцион ҳаракатининг сиёсий жиҳатдан уюшган ва раҳбар ядроси, энг таъсирчан сиёсий куч, ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилидир. Коммунистик партиялар илмий коммунизмнинг ғоявий асосларини муқаддас билиб бажармоқда. Коммунистларнинг халқаро бирлигига путур етказиш — жаҳон ишчилар синфи олдидаги энг оғир жиноятдир. Мао Цзэдун группаси «сўл» гаплар билан ниқобланган буюк давлат шовинизмига амал қилиб, интернационализм принципларини поймол этмоқда. марксчи-ленинчи партияларга қарши чиқмоқда, жаҳон коммунистик ҳаракатида бузғунчилик ишларини олиб бормоқда. Марксчи-ленинчилар Пекин раҳбарларининг илмий коммунизмни антимарксистик «Мао Цзэ-дун идеялари» билан алмаштириш йўлидаги урунишларини қатъиян рад этмоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партиялар марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмга содиқ эканликлари билан кучлидир. Революцион назариянинг поклигини ҳимоя қилиш, антимарксистик қарашлар билан кураш олиб бориш — коммунистик партияларнинг идеология соҳасидаги энг муҳим вазифасидир.

Марксизм-ленинизмнинг улуғ таълимоти ва марксизм, ленинизм идеяларининг тантанаси учун биргаликда олиб бориладиган кураш бутун дунё коммунистларини бирлаштиради. Коммунистик ва ишчи партиялар ўз кенгашларида империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг муштарак вазифалари ҳақида биргаликда чиқарилган хулосалар ва берилган баҳоларга асосланадилар.

66 коммунистик ва ишчи партияларнинг яқинда Будапештда ўтказилган Маслаҳат учрашуви 1968 йил ноябрь-декабрь ойларида коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини ўтказиш зарур, деб топди. Бу кенгашдан мақсад — коммунистик ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлашдан, империализмга қарши, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашда социализм ва демократиянинг барча кучларини жипслаштиришга ёрдам беришдан иборат.

Пролетар интернационализмига садоқат — марксчи-ленинчи коммунистик ҳаракатнинг қонунидир.

* * *

Жаҳон ижтимоий тафаккурининг энг буюк ютуғи бўлган марксизм-ленинизм танқидий, революцион ва чуқур ижодий характерга эгадир. Марксизм-ленинизм догма бўлмай, қотиб қолган эски қоидалар йиғиндиси бўлмай, балки ҳаракат учун дастурдир. Революцион назарияни доим бойитиш, эскириб қолган қоидалардан воз кечиш ва ўзгарган воқеълликка муносиб янги қоидаларни илгари суриш — марксизмнинг энг муҳим хусусиятидир.

Маркс—Энгельс—Ленининг бутун таълимоти тараққиёт идеяси билан суғорилган. Бу таълимот чинакам илмий назария бўлиб, жонли ва ривожланиб бораётган воқеликни тадқиқ этиш ҳамда ўзгартиришнинг тўғри методидир.

Тарихий тараққиёт юз йилдан ортиқ вақтдан буён марксизм назарияси кўрсатиб берган йўлдан бормоқда. Марксизм ҳар бир тарихий бурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиб келди.

Ҳаёт ҳақиқати марксизм томонидадир, марксизм бундан буён ҳам ғалабаларга эришиб, планетамизда коммунизм тўла тантана қиладиган пайтни яқинлаштиради.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти.

ИЖОДИМИЗ—ХАЛҚҚА, ПАРТИЯГА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИДАН

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга оширишда адабиёт ва санъат катта роль ўйнайди. Янги инсонни шакллантиришда, совет халқининг маънавий ҳаёти, маданиятини ривожлантириш ва бойитишда адабиёт ва санъат муҳим омилдир. Республика ижодий союзларининг 5 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган бирлашган пленумида қатнашганларнинг сўзлари шу фикрлар билан суғорилган эди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** пленумни очар экан, ижодий ходимлар — идеология фронтининг солдатлари, партиянинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек олижаноб ишга бағишламоқдалар.

Ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, архитекторларимиз, журналистларимиз, театр ва кино арбобларимизнинг сўнгги вақтларда ва хусусан Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланиш даврида яратган энг яхши асарларидаги ишлаб чиқилаётган темалар социал аҳамиятининг ўсганлиги замонамизнинг ҳаётбахш ватанпарварлик руҳи ва яратувчилик пафоси социалистик реализм методини чуқур эгаллаш, адабиёт ва санъат партиявийлиги ва халқчиллигининг ленинча принципларини ижодий практикага муваффақиятли жорий этиш натижасидир.

Адабиёт ва санъатнинг зўр ютуқлари билан яратилган асарлари Ҳамза номидаги республика мукофотлари. ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ленин комсомоли мукофотлари билан тақдирланди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган конкурс натижаларига кўра, бир қанча муҳим асарларга мукофотлар берилди.

Лекин шулар билан бирга амалга ошириш учун ҳали кўп ишлаш керак бўлган, ҳал қилинмаган масалалар тўғрисида, проблемалар ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди.

Замондошларимизнинг тўла қонли бадиий образларини яратиш адабиёт ва санъатнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги маълум.

Аммо, сўнгги вақтларда республикамиздаги адабиёт ва санъат усталарининг замонавий темаларга қизиқиши, шубҳасиз юксалганлигига қарамай, замондошларимизнинг ҳислатлари, бугунги воқеаликнинг белгилари очиб берилган чинакам илҳомбахш салмоқли асарлар оз яратилаётганига иқрор бўлиш керак.

Гражданлик ва инсоний фазилат фақат ўйдагина эмас, балки даставвал янги, илғор иш учун дадил ва қатъий курашда, коммунистик идеалларга оғишмай, садоқат билан хизмат қилишда намоён бўлувчи кишиларни кўрсатишга ижодий қизиқиш сезиларли даражада пасайиб кетганлиги кишини ташвишлантиради.

Ёзувчиларимиз, журналистларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, кинематографчиларимиз ва артистларимиз ўз қаҳрамонлари меҳнат қилаётган саноат корхоналарига, қурилишларга, колхоз ва совхозларга тез-тез бориб турмоқлари лозим.

Улуғ Совет Ватани халқларининг дўстлари ва интернационал бирлигини мустаҳкамлашдек доимий ва муҳим темаларни чуқур ишлаб чиқиш Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳозирги тараққиётининг характерли йўналишларидан биридир. Қардош маданиятларнинг бир-бирларини ўзаро бойитиш процессини кенгайтиришга ёрдам берувчи ҳамма шаклларни бундан буён ҳам бутун чоралар билан такомиллаштириб бормоқ керак. 1968—1969 йилларда Россия Федерацияси, Тожикистон, Эстония ва Қорақалпоғистон АССР да ўзбек адабиёти ва санъати декадалари, шунингдек Ўзбекистонда Тожикистон, Эстония ва Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати декадалари ўтказилади.

Ҳозирги кунда гениал ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейига актив тайёргарлик кўрилмоқда. Жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири — Самарқандниг 2500 йиллигини байрам қилиш ҳам Ўзбекистоннинг жамоат ва маданий ҳаётида муҳим воқеалардан бўлади. Биз бу юбилейларни ўтказишга тайёргарлик кўрар эканмиз, улар билан алоқадор идеология иши халқни ўтмиш маданий меросни чуқур ўрмат қилиш руҳида тарбиялашни кучайтиришга ёрдам беришига ва айни маҳалда Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш туфайли кишиларимизнинг ҳаёт ва меҳнатида юз берган ажойиб ўзгаришлардан юксак фахрланиш руҳида тарбия лашни кучайтиришга эришмоғимиз керак.

Турмушимизнинг барча соҳаларида интернационализм принципларининг қарор топиши учун курашиш ва ўтмиш қолдиқларини бартараф қилиш юзасидан актив иш олиб бориш ижодкор зиёлилар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Миллатлар ўртасида алоқа воситаси бўлган, биз учун иккинчи она тили бўлган рус тили меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Социалистик миллатлар дўстлигини мустаҳкамлаш совет ватанпарварлигини тарбиялаш билан чамбарчас боғланган. Совет ватанпарварлиги ўз моҳияти жиҳатидан интернационал бўлиб, ўз халқига муҳаббатни бошқа халқларга меҳр муҳаббат ва ҳурмат билан бирга мужассамлантирган. Совет ватанпарварлиги — ўтмишнинг прогрессив анъаналарига меҳр-муҳаббатнинг ўзигина эмас, у даставвал ҳозирги социалистик ҳаётдан фахрланиш, совет кишиларининг юксак ғурури ва ўз кадрига етиш. Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудрати, шон-шарафини бутун кучлари билан қўпайтиришга интилиш туйғуларидан ҳам иборатдир.

Адабиёт ва санъат аҳиллари — коммунизмнинг актив курашчиларидир. Миллион-миллион кишилар шуларнинг асарларидан тарбияланади. Шу нарса ижодий союзларни, уларнинг партия ташкилотларини кундалик катта ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга, ижодий ходимларни марксча-ленинча назария билан, Коммунистик партия сиёсатини тўғри тушуниш билан қуроллантиришга, уларни сиёсий жиҳатдан чиниқтиришга мажбур этади.

Ижодий зиёлиларнинг энг муҳим вазифаси — ёшларни тарбиялашдан иборатдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар партия конференциясида сўзлаган нутқида ёшларни тарбиялаш — катта, умумпартиявий, умумдавлат иши, аслида жамиятимизнинг келгуси тараққиёти масаласидир, деди.

Биз, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни тубдан яхшиламоғимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёш авлод тобора кенгроқ ва активроқ қатнашуви коммунизм қуриш умумхалқ ишига салмоқли ҳисса қўшиши учун ёшлар марксизм-ленинизм назарияси, илмий-техника билимларини чуқур эгаллашига эришмоғимиз керак.

Бутун мамлакатдаги сингари республикамизда ҳам ҳозир партия ва халқимизнинг, бутун дунё коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳаётидаги шонли саналар — Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари шу улуғ саналарни муносиб кутиб олиш учун қуришиб, республика экономикаси ва маданиятини янада равнақ топтириш учун, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун фидокорона курашмоқдалар. Республикамизнинг адабиёт ва санъат арбоблари мана шу вазифаларни амалга оширишда актив иштирок этмоқлари лозим.

Республика Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси **Комил Яшин** Ўзбекистон қалам усталарининг фикрини баён қилди.

Бадиий ижодиётга талабчанликни оширмоқ зарур. Баъзи ёзувчилар ўз маҳоратларини ошириш тўғрисида кам ўйлаб, кўпинча асарларни қалб даъвати билан эмас, балки вазият мулоҳазаларини назарда тутиб яратишга мойиллик қилмоқдалар. Масалан, Навоий юбилейига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги даврда улуғ сиймо ҳақида давр моҳиятига етарлича чуқур кириб бормаган ҳолда, улуғ шоир ва мутафаккир ижодиётини етарлича чуқур ўрганмаган ҳолда шошмашошарлик билан, хом-хатала ёзилган асарлар пайдо бўла бошлади.

Совет ёзувчисига, Октябрь бўронлари ёзувчисига хос ҳислат нимада? Даставвал — коммунистик ғоявийликдир. Коммунистик ғоявийлик — инсоний фазилатлардан биригина бўлмасдан, балки ўз ҳаётининг моҳияти ва мақсадларини чуқур ҳис қилиш, улуғ ғоядан илҳомланиш, пафос, кураш, ҳаётий активлик, ташаббус каби хислатлар мажмуидир. Коммунистик ғоявийлик — принципиаллик, софдиллик, инсонпарварлик, олижаноблиқдир.

Ҳар бир ижодий ходимда, шу жумладан олимда ўзининг ғоявий билим савиясини кун сайин ошириб бориш, марксизм-ленинизм назариясининг барча бойликларини эгаллашдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ, деб уқтиради Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги **Т. Н. Қориниёзий.** Коммунистик идеологияга садоқат — барча ижодий муваффақиятлар калитидир.

Совет олими жаҳонда энг илғор маданиятли кишидир. У кўплар, даставвал ёшлар ибрат оладиган сиймодир. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз ҳар бир илмий ходимдан ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ниҳоятда актив иштирок этишини талаб қилишга ҳаққимиз. Бизда сиҳчков, куч-ғайратга тўлиб-тошган ажойиб ёшлар етишмоқда. Олимлар, барча маданият арбоблари олдида турган фахрли вазифа — йигит ва қизлар шижоатини моҳирлик билан керакли йўлга солиб, уларнинг ҳаётда, социалистик жамиятга энг кўп фойда келтира оладиган тўғри йўл танлаб олишларига амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Тошкент Давлат университетининг профессори **Г. П. Владимиров** совет ёзувчилари ҳамиша социалистик қурилишнинг асосий йўналишларида бўлганликларига бирлашган пленум қатнашчиларининг эътиборини жалб этади. Совет ёзувчилари энг йирик қурилишларга, гидроэлектростанцияларга, металлургия комбинатларига ва трактор заводларига бордилар. Ўзбекистоннинг энг яхши адиблари неча ўн йиллардан буён халқ билан биргаликда ана шу магистраллардан бормоқдалар. Улар қўриқ ерларнинг гулибларига, улкан пахта учун кураш қаҳрамонларига илҳомбахш қўшиқларини қўйлаб бермоқдалар, халқ ҳаётининг кўпгина ёркин воқеаларини ўз асарларида ёритмоқдалар.

Адиблар ҳаётни чуқурроқ ўрганиб, ривожланиб бораётган илғор, янги нарсаларнинг ҳаммасини янада кенг қўламда акс эттирсалар ва замондошларимизнинг, коммунизм қурувчиларининг образларини яратиб берсалар, уларнинг ижоди янада сермаҳсул бўлади.

Республика кинематографчилари союзи правлениеси президиумининг раиси **С. М. Муҳамедов** қуйидагиларни айтди. Кейинги вақтларда ижодкор ёшларнинг катта бир отряди республикамизнинг кино санъатига келиб қўшилди. Яқин ўтмишда «Ўзбекфильм» студиясида уч-тўрт режиссёр миллентелар тайёрлаган бўлса, ҳозирги вақтда у ерда ўн бешдан ортиқ постановкачи режиссёр ишлаб турибди. Ёш режиссёрлар билан бир қаторда ёш талантли кинооператорлар, кинодраматурглар, киноартистлар ҳам ўсиб етишди. Улар ҳозирги замон мавзуларида ишлаш учун дадил ҳаракат қилмоқдалар, ҳаётга актив кириб бормоқдалар.

Санъат, кино ўз табиати эътибори билан интернационал руҳда бўлиб, ўзаро бир-бирини бойитмай, тор миллий доираларда ривожлана олмайди. Шу сабабли, Ўзбекистонда қардош республикалар фильмларини, фестивалларини ўтказиш ва бошқа республикаларда ўзбек фильмларини кўрсатиш традиция бўлиб қолди.

1967 йилнинг ўзидагина Москвада, Россия Федерациясида, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Туркманистонда ўзбек фильмлари фестивалларни ўтказилди. Республика кинематографиячилари қардош республикаларда ва социалистик мамлакатларда ўтказилаётган ўзбек адабиёти ва санъати декадаларида актив қатнашмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси кино санъатимизни янада ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади.

Республикамиз кинематографиячилари халқимиз тарихидаги улуғ санага — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига муносиб янги асарлар яратиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳақиқий санъаткор ҳамиша бутун дунёда рўй бераётган воқеалар учун ғоят жавобгарликни ҳис этиши, коммунистик ғояларнинг галабаси учун олиб бораётган курашда фаол иштирок қилиши лозим. Ўзбекистон театр жамияти президиумининг раиси **О. Хўжаев** ўз нутқида ана шу фикрни илгари сурди. Санъат халқники бўлиб, халқ ҳаётидан баҳраманд бўлади ва халқ манфаатларига, халқ ғояларига хизмат қилиш учун ўзининг бутун кучини бағишлайди, деган улуғ ленинча шиор ижодий союзларнинг фаолиятида амалга оширилмоқда.

Шу сабабли, биз ҳозирги кунда ижодий союзлардан ҳар бирининг фаолиятини ғоявий жиҳатдан чуқур мазмунли қилиш ва уларнинг алоқаларини ва идеология соҳасидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш энг муҳим иш эканлигига аминмиз.

Кишиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашнинг театр каби қудратли воситасидан тўла фойдаланишга янада фаол эришмоғимиз керак. Драматурглариимиз, композиторларимиз, актёрларимиз, режиссёрларимизнинг, ҳуллас, халқни театр санъати воситалари билан ғоявий-эстетик руҳда тарбиялаш каби масъулиятли ишга алоқадор бўлган барча кишиларнинг куч-ғайратини янада маҳкам бирлаштириш лозим.

Бизда томошабинларни завқлантирмайдиган мукмал спектакллар ҳали оз эмас. Бу ҳол совет жамиятимизнинг вазифаларига тамомила зид бўлганлиги сабабли бу тўғрида дадил гапириш керак.

Навоий номли давлат академик опера ва балет театрининг директори **М. Ашрафий** айтдики, Ўзбекистон совет музика санъати тараққиётини ёркин кўрсатувчи ўрнак бўла олади. Ўзбек социалистик маданиятининг равнақ топганлиги ленинча доно миллий сиёсат тантанасининг социализм мамлакати халқлари бузилмас дўстлигининг ёркин ифодасидир. Рус музикасининг бевосита таъсири билан миллий опера санъати яратилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон композиторларининг ижоди анча ўсди.

Аммо, музика санъати соҳасида ҳали камчиликларимиз кўп. Кадрларни, жумладан, яккахон ашулачиларни тайёрлашга жиддий эътибор бериш лозим.

Самарқанд Давлат университети партия комитетининг секретари **Х. А. Аминов** студентлар ўртасида олиб борилаётган идеология ишлари ҳақида гапирди.

Университетда интернационал дўстлик клуби, қизлар клуби, революцион ва жанговар шон-шуҳрат клуби, маърокли учрашувлар, атеистлар клублари, ҳар хил тўгарак лар ташкил этилди. Бу клуб ва тўгараклар ёшларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, уларни Ватанга, Коммунистик партияга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар.

Студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари шу ўқув юрти партия ташкилотининг диққат марказида турибди. Кейинги вақтларда партия комитетининг бевосита иштироки билан ижтимоий фанлардан дарс беришни яхшилаш чоралари белгиланди.

Университет коллективи шаҳар ва область аҳолиси ўртасида пропаганда ишларини олиб боришда актив қатнашмоқда. Факультетлар корхоналарни, колхоз, совхоз, мактабларни ва ҳарбий қисмларни ўз оталигига олганлар. Улар турли конференция, лекция ва суҳбатларни уюштирмоқдалар.

Лекин шундай бўлса ҳам, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида бир қанча жиддий камчиликлар бор. Студентларнинг айрим группаларига хос хусусият лар ҳали суст эътиборга олинмоқда. Комсомол ташкилотининг фаолиятини яхшилаш керак.

Ўзбекистон рассомлари, дейди республика санъатшунослик институти секторининг мудири Л. И. Ремпель, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишига тобора кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда кекса ва ёш авлодга мансуб рассомларнинг ўзига хос ижодини ўстириш ва уларга ўгри йўл кўрсатиб бериш, айниқса муҳимдир. Хизмат кўрсатган ва ҳали пенсия ёшида бўлмаган баъзи ўртоқларимизнинг ёнбошлаб ётишлари учун ҳали фурсат келмаган бўлса керак.

Тарих ойнаси бўлган тасвирий санъатнинг йўли каби, яна бир масала ҳам бизнинг эътиборимизни жалб этмоқда. Тошкентда Навоий музейининг вужудга келтирилиши Ўзбекистоннинг тарихий арбобларига бағишланган рассомчилик жанрини ривожлантиришга, шубҳасиз, катта мадад беради.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори **Л. П. Қаюмов** ўз нутқини адабий танқид ҳамда адабиёт соҳасида назарий тадқиқотларни ривожлантириш масалаларига бағишлади.

Ажнабий китобхон «Совет адабиёти нима деганн?» деб савол берган вақтлар аллақачон ўтиб кетган. Ажнабий китобхон ҳозирги кунда китоб магазинига кирганида китоб сотувчидан: «Совет адабиётидан қандай китобларингиз бор?» деб сўрайди. Адабиётимизнинг бутун дунёда катта шуҳрат қозонганлигини ҳатто Совет Иттифоқининг душманлари ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Биз ажнабий китобхонларга жуда маъзур бўлган китоблар орасида ҳамшаҳар, ҳамкишлоқларимиз ёзган асарлар борлигини ифтихор билан қайд қиламиз.

Аммо ўзбек авторларининг, жумладан, шоирларнинг китоблари орасида Горький талабларидан жуда узоқда турган заиф асарлар ҳам бор. Адабий танқид ёзувчилар ва шоирларнинг социалистик реализмнинг тўғри йўлига мустаҳкам суратда ўтиб олишлари учун ўз вақтида ёрдам бериши керак.

Ижодий союзлар бирлашган пленуми қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрикнома йўлладилар. Улар Марказий Комитетни ишончириб айтдиларки, Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари жонажон Коммунистик партия кўрсатиб берган йўлдан ҳамиша олға борадилар, пролетар интернационализмига байрогига доим содиқ бўлиб қоладилар. Бирлашган пленум қатнашчилари яна бундай дедилар: партиянинг ленинча Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган республикамизнинг ижодкор зиёлилари КПСС XXIII съезди қўйган вазифаларни шараф билан бажарадилар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бундан буён ҳам партиянинг содиқ ва актив дастёрлари бўлиб қоладилар, кўп миллатли совет маданияти улуғ хазинасига тобора кўп ҳисса қўшадилар.

(ЎзТАГ).

Суратда: Пленум қатнашчиларидан бир гуруҳи. (Чапдан ўнгга) театршунос А. Рибник, Ўзбекистон халқ артисти Ш. Маъзумова, СССР халқ артисти О. Хўжаев ва республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Расулев.

ҲОМИЛ ЁҚУБОВ ОЛТМИШ ЁШГА ТЎЛДИ

ИСТЕЪДОДЛИ ОЛИМ

Атоқли адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳомил Ёқубов адабиёт мухлисларининг меҳрибон устодларидан биридир.

У Тошкент Давлат университетида эллигинчи йилларда, ўзбек адабиётидан дарс берган чоғларида қанчадан-қанча студентларни билим чашмасидан баҳраманд қилди. Бир қанча ёш илмий ходимлар, аспирантлар, докторантлар эса Ўзбекистон Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ўзбек совет адабиёти сектори мудири Ҳомил Ёқубов раҳбарлигида илмий ишларини ниҳоясига етказиб, фан кандидати, фан доктори деган илмий даражаларни олдилар.

Ўрта мактаб ва олий ўқув юрти ўқувчилари ва ўқитувчилари Ҳомил ака ёзган ўзбек адабиёти дарсликларидан, хрестоматияларидан ҳамда Навоий, Бобир, Турди, Гулханий, Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун ва бошқа машҳур ёзувчиларимизнинг ижодларига оид, шунингдек адабиётимизнинг маълум даврлари, назарий-проблематик масалаларига оид китоблари, мақолалари, тақризларидан илмий-ижодий озиқ олганлар, улардан қўлланма сифатида фойдаланмоқдалар.

Жумладан, Ҳомил Ёқубовнинг 1955 йилда нашр этилган «Ойбек» номли танқидий-биографик очерки отаҳон ёзувчимиз Ойбекнинг адабий, илмий, ижтимоий фаолияти ҳақидаги тўнғич жиддий илмий асар бўлдики, муаллиф бу соҳадаги ўзининг кўп йиллик ижодий изланишларини давом эттириб, 1959 йилда «Ойбек», 1963 йилда «Ғоявийлик ва маҳорат», 1966 йилда «Адибнинг маҳорати» монографияларини китобхонларга тақдим этди. Бу китобларда Ойбекнинг шеърият ва прозадаги маҳорати, ижодий эволюцияси, унинг ижодий камолотини таъминлаган омиллар чуқур илмий тарзда таҳлил этилган. Ҳ. Ёқубов Ойбекнинг поэтик ва прозаик асарларининг ғоявий-бадиий йўналишлари, уларнинг чуқур халқчиллик ва партиявийлик руҳи билан суғорилган санъат асарлари тўғрисида босиб ўтган мураккаб ижодий йўли, бу йўлдаги қийинчиликларни қандай енганлиги, қай тарзда ижодий улғая борганлиги ҳақида тўла маълумот беради.

Ҳомил Ёқубовнинг ҳар бир китобида, ҳар бир мақоласида, хусусан, Ғафур Ғулом ва Ойбек ҳақидаги монографияларида ёзувчи ижоди давр адабий, ижтимоий, сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда текширилади. Шунинг учун ҳам унинг монографияларини, мақолаларини ўқиганингизда, маълум бир ёзувчининг ижодий маҳоратигина эмас, балки ўша ёзувчи яшаб ижод этаётган давр адабий ҳаракатчилиги ва ўша ҳаракатчиликда мазкур қалам соҳибининг тутган ўрни ва мавқеи юзасидан ҳам чуқур илмий фикр юритилади.

Адабиётшунос олимнинг илмий асарлари назарий мулоҳаза ва баҳсларга бойдир. Уларда муаллиф олдинга сураётган маълум бир масалани ҳамиша оригинал назарий мулоҳазалари билан талқин этади. Олим бирор ёзувчи ҳақида фикр юритганида, ёзувчи камолотида рус адабиётининг Пушкин, Толстой, Чехов, Горький, Маяковский каби улуғ намояндалари ижоди маҳорат мактаби бўлганлигини илмий-ижодий исботлаш билан бирга, бу соҳада ўз миллий анъаналаримиз ролини кўрсатишни ҳам унутмайди.

Ҳомил Ёқубов адабиётшунослигимиз ва адабий танқидчилигимизда ҳамиша янгиликка интилади, янги-янги назарий мулоҳазаларни ўртага ташлайди, унинг фикрлари кўпинча қизғин мунозараларга сабаб бўлади.

Ойбек ҳақидаги китобларидан бирида у «Қўёш қораймас» романини таҳлил қилиб А. Н. Толстойнинг мана бу сўзларини келтиради: «Санъат ҳамма вақт қарама-қаршиликлар бўлгандагина майдонга келади. Бу, ё курашнинг ўзгинаси тарзида, ёки курашнинг инъикоси тарзида бўлади». Танқидчи улуғ ёзувчининг шу фикрига суяниб, «Қўёш қораймас» романида конфликт курашнинг ўзгинаси тарзида эмас, балки шу курашнинг инъикоси тарзида эканлигини исботлаб берди. Биз бу ҳолни шунинг учун алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқдамизки, кейинги йилларда драматургиямиз ва кинодраматургиямизда ҳамда баъзи романларимизда курашнинг традицион формаси — образлараро ички олишув формаси билан бирга, курашнинг инъикоси формаси ҳам қўлланиляпти.

Ҳомил Ёқубов маълум бир ёзувчи, маълум бир жанр асари ҳақида фикр юритганида, кўпинча, шу каби янгиликни топишга интилади.

У ўз шогирдларига китоблари, мақолалари орқалигина эмас, шунингдек амалий-ижодий суҳбатлари орқали ҳам, ўзбек совет адабиёти сектори мажлисларида ўртага ташланаётган янги-янги назарий мулоҳазалари билан ҳам ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ёқубов сектор аъзоларининг ўзаро ижодий ҳамкорликда монографиялар яратишига ҳам бошчилик қиляпти. Жумладан, устод ҳомийлигида коллектив авторларнинг Тошкентда икки томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки», уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг биринчи томи нашр этилди, иккинчи ва учинчи томлари эса нашр этилаш арафасида турибди. Москвада эса рус тилида «История узбекской советской литературы» деган катта ҳажмли монография босмадан чиқди.

Ҳомил Ёқубов Ойбек ижоди ҳақидаги «Ғоявийлик ва маҳорат», «Адибнинг маҳорати» китобларини 1957 йилда докторлик диссертацияси сифатида тақдим этди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта илмий совети олимнинг ишини юксак баҳолаб, авторга филология фанлари доктори деган илмий даражани беришга қарор қилди.

Адабиётшунос олим ва моҳир педагог Ҳомил Ёқубовнинг туғилганига 60 йил, илмий-педагогик фаолияти бошланганига 40 йил тўлди. Партия ва ҳукуматимиз унинг фанимиз равнақи йўлидаги катта хизматларини тақдирлаб, уни бир неча орден ва медаллар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади. Яқинда эса «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди.

Ҳозир бу баркамол, камтарин олим янги-янги темалар устидаги илмий-ижодий режалари билан банд. Ҳали, у бизга намуна бўларли кўп илмий асарлар тақдим этади. Устодимизни туғилган куни билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик ва ижодий равнақ истаймиз.

Ғани ЖАҲОНГИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номли адабиёт музейи директорининг ўринбосари.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

Мамлакатимизда энг йирик теплица комбинатларидан бири Калинин районида қуриляпти. Бу замонавий типда қурилаётган комбинат 39 гектар майдонни эгаллайди. Комбинатни битказиб ишга туширилган секцияларида помидор ва бодринг каби сабзавотлар етиштирила бошланди. Шукунгача улар меҳнаткашларга 22 тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб беришди. Суратларда (чапдан ўнгга): 1 Комбинатда помидорларни саралаш пайти. 2. М. Ҳолиқовава теплица комбинатининг бошлиғи А. Сандрасулов ўртоқлар бодринг теришяпти.

К. Розиқов фотоси. ЎзТАГ

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ РАҲБАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЯНГИ СОСТАВИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия Телеграф агентлиги Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетн раҳбар органларининг кеча пленумда сайланган янги составн тўғрисидаги ахборотни маълум қилди.

Ахборотда бундай дейилади: Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети яширин овоз бериш йўли билан Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг президиумини сайлади. Президиум составига Франтишек Барбирек, Васил Биляк, Олдржих Черник, Александр Дубчек, Драгомир Кольдер, Франтишек Кригель, Ян Пиллер, Эмиль Риго, Йозеф Смрковский, Йозеф Шпачек ва Олдржих Швестка кирди.

Антонин Капек, Йозеф Ленарт ва Мартин Вацулик президиум аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Александр Дубчек, Честмир Цисарж, Алоис Индра, Драгомир Кольдер, Йозеф Ленат, Зденек Млинарж, Вацлав Славик, Штефан Садовский ва Олдржих Воленик Чехословакия Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзолари қилиб сайландилар.

Александр Дубчек Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Честмир Цисарж, Алоис Индра, Драгомир Кольдер, Йозеф Ленарт ва Штефан Садовский Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

Милош Якеш Чехословакия Компартияси Марказий контроль-ревизия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

Асил Биляк Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига тасдиқланди.

ВАШИНГТОНДА КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ

ВАШИНГТОН. 6 апрель. ТАСС мухбири А. Меликян хабар беради:

Ҳарбий полиция Оқ уйни қуршаб олди. Шаҳар маъмурларининг илтимосига кўра, президент Жонсон федерал қўшинларга пойтахтга киришни буюрди. Президент мунтазам армия солдатларини Оқ уй, конгресс биноси теварагида ва пойтахтнинг кеча полиция билан негр аҳолиси ўртасида тўқнашув рўй берган районларида жойлаштириш тўғрисидаги буйруқни имзолади. Америка агентликларининг хабар беришича, қарийб 10.000 солдат пойтахт остоналарида турибди.

Президент полиция «тартибни тезликда тиклаш»дан ожиз бўлганлиги сабабли мунтазам армия қисмларининг пойтахтга киритилишини оқламоқчи бўлади.

Шу билан бирга пойтахт мэри шаҳарда 13 соатлик комендантлик соати жорий қилинганлигини билдирди. Комендантлик соати маҳаллий вақт билан соат 17-30 минутда кучга кириб, эрталаб соат 06-30 минутгача давом этади.

Пойтахт кўчаларида полициядан махсус пропуска олган шахсларгина юриши мумкин. Комендантлик соат жорий қилинишидан сал илгари мунтазам армия солдатлари Оқ уйни қуршаб олиб, шаҳарнинг бошқа қисмларини эгаллай бошладилар.

Шаҳар ҳавоси кўздан ёш оқизадиган газ ва қуюқ ҳидибилан қопланган. Вашингтон устида пага-пага қора тутун пайдо бўлди. Полициянинг патруль машиналари одамлардан ҳоли бўлган кўчаларни айланиб юрибди. Шаҳарда ҳаёт сўнгандек кўринади.

ПРЕЗИДЕНТ ЖОНСОН ГОНУЛУЛУГА БОРМАЙДИГАН БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. 6 апрель. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон Гавайя ороллариға бормайдиган бўлди. Жонсон бу ерда Сайгондаги Америка раҳбарлари билан кенгаш ўтказмоқчи эди. Америка негрларининг гражданлик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракати раҳбари доктор Мартин Лютер Кингнинг ёвузларча ўлдирилганлиги тўғрисидаги хабар кеча Американдаги негр аҳолисининг кучли норозилик ва намойишларига сабаб бўлганлиги туфайли Жонсон ана шундай қарорга келди.

ВАШИНГТОНГА ҚЎШИНЛАР КЕЛТИРИЛДИ

ВАШИНГТОН. 6 апрель. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон федерал қўшинларга мамлакатнинг пойтахтига киришни буюрди. Вашингтон мэри шаҳарда комендантлик соатини жорий қилди.

АҚШ даги негр аҳолисининг ғалаёнлари кучайиб кетганлиги сабабли шундай чора кўрилди. Бу ғалаён Америка негрларининг ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг таниқли раҳбари доктор Мартин Лютер Кинг ирқчилар томонидан ўлдирилганидан кейин кеча бошланиб кетди.

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ. Америка Қўшма Штатлари Шимолий Вьетнамни «бомбардимон қилишни чеклаш» тўғрисида ўз баёнотини эълон қилганидан кейин Америка самолётлари 1 апрелдан тортиб, ҳозирги пайтгача, қанча вилоятлардаги аҳоли яшайдиган районларни вақтшёна бомбардимон қилиб, ўққа тутиб келмоқдалар. Улар Нгеан, Куангбинь вилоятларидаги баъзи дарёларга миналарни ҳам кўмиб қўйдилар. Америка самолётлари, дейилади Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг эълон қилинган баёнотида, Куангбинь, Намха, Ниньбинь вилоятлари осмонида разведка қилиш ва нейтралитет мақсадларида учиб юрибдилар.

АҚШнинг ҳарбий кемалари кейинги кунларда Вьетнам Демократик Республикасининг территориал сувларига бир неча марта бостириб кирдилар, соҳилдаги бир канча қишлоқларни ўққа тутдилар ва балиқчилардан бир неча кишини ушлаб олиб кетдилар.

Ана шу жиноий ҳаракатлар, деб таъкидланади баёнотда, «бомбардимон қилишни чеклаш» тўғрисида гапирган АҚШ ҳукмрон доираларининг макрлигини фош қилиб ташлади. АҚШ Вьетнам Демократик Республикаси территориясининг муҳим қисмларини бомбардимон қилишни давом эттиришда ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши бошқа уруш ҳаракатларидан воз кечмаётир. Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги АҚШнинг ана шу, ҳарбий ҳаракатларини қатъиян қоралайди ва бунинг учун уни айблайди.

Қўшма Штатлар, дейилади баёнотда, Вьетнамдаги агрессив урушни тўхтатиши, Вьетнам Демократик Республикасининг бутун территориясини бомбардимон қилиш ва бу территориядаги бошқа уруш ҳаракатларини бутунлай ва сўзсиз тўхтатиши ҳамда вьетнам халқининг ўз ишларини ўзи ҳал эта олиши учун АҚШнинг ҳамма қўшинларини ҳамда унинг гумашталари бўлган мамлакатларнинг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши керак.

КХЕСАНЬ РАЙОНИДАГИ ЖАНГЛАР

ХАНОЙ, 6 апрель. (ТАСС). Вьетнам Информация Агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучлари жангчилари 3 ва 4 апрелда Кхесань районида олиб борилган жангларда Америка армиясига жиддий зарбалар бердилар.

Халқ қуролли кучлари жангчилари ана шу жанглар вақтида Банкат ва Банкхоай районида АҚШ армияси 1-аэромобиль дивизияси солдатларидан 200 га яқин кишини ўлдирдилар ёки яралар қилдилар. Улар Америкаснинг икки самолётини уриб туширдилар ва кўп миқдорда қурол-яроғ, ҳарбий ҳужжатларни қўлга туширдилар.

Озодлик агентлигининг хабар беришича, 3 ва 4 апрелда Кхесань районида душманнинг жами 900 дан ортиқ солдати сафдан чиқарилган. Буларнинг кўпчилиги Америка денгиз пиёда аскарлари ва аэромобиль дивизиясининг ҳарбий хизматчиларидан иборат. Шу кунлар ичида тўққиз самолёт уриб туширилди ва ерда 7 самолёт шикастлантирилди.

НИГЕРИЯДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛАГОС, 6 апрель. (ТАСС). Ҳукуматнинг бу ерда эълон қилинган ахборотида бундай дейилади: Нигерия федерал ҳукуматининг қўшинлари Энугудан тахминан 70 километр Шарқда жойлашган Шарқий Нигериянинг муҳим маркази — Абакалиқи шаҳрини ишғол қилдилар.

Федерал қўшинлар Нфума шаҳрини ҳам эгалладилар. Илгариги шарқий областнинг шарқи-шимолий қисмини бу областнинг бошқа территориялари билан боғловчи Кросс дарёси ирмоғига қурилган кўприк шу шаҳарлардадир. Нфума шаҳри Абакаликидан 40 километр шарқда жойлашган.

ФУТБОЛ ИККИНЧИ ДУРАНГ

Эрталаб ёққан ёмғир ишқибозларнинг ўйинга бўлган қизиқишини сўндиролмади. Этни жунжитувчи совуқ хаво, 90 минут давомида савалаб турган ёмғир остида ўтган «Пахтакор» — ЦСКА ўйинини 20 мингдан ортиқ томошабин кўрди.

Ўйиннинг биринчи ярми тенг кураш остида ўтди. Деярли хавфли ҳолатлар юз бермади. Дарвозабонлар Любарцев ва Кудасовлар бамайлихотирлик билан ўйнашди. Иккинчи тайм бошланиши билан ишқибозлар жонланиб қолишди. Майдон эгаларининг галдаги ҳужумини қайтараётган пойтахт футболчилари ўйин қоидасини бузишди. Тўпни 30 метрлар чамасидан Абдураимов дарвозага йўналтирди. Кудасов тўпни қўлидан чиқариб юборди. Лекин у чаққонлик билан дарвоза тепа тўсинига тегиб қайтган тўпни ушлаб қолди.

Орадан беш минут ўтмасданоқ ни қайтараётган Штерн тўпни яна шу ҳолат такрорланди. Тўп кетма-кет икки марта дарвоза тўсинига тегиб орқага қайтди. 70-минутда ҳамма кўтган гол содир бўлди. Эркин Абдураимов дўстлари қуршовида колди. У икки ҳимоячини алдаб ўтиб кучли зарб билан ҳисобни очди. 1:0 «Пахтакор» олдинда.

ЦСКА қандай бўлмасин мағлубиятдан қутилишга ҳаракат қилар, ярим ҳимоячилар Плахетко ва Шулятицкий, ҳатто ҳимоячилар ҳам ҳужумчиларга кўмаклашарди. Федотов, Поликарпов ва Дударенко узоқ ва яқиндан Любарцев дарвозасини нишонга олабошлади.

83-минутда меҳмонлар ҳужумини қайтараётган Штерн тўпни бурчакка боши билан чиқариб юборишга мажбур бўлди. Бурчакдан узатилган тўпни Раздаев осонгина дарвозага киритди. Любарцев жойидан қўзғолмади ҳам. Ваҳоланки у шу топда бурчакдан узатилган тўпга пешвоз чиқишикерак эди.

Бокулик Э. Азим-Зода судьялик қилган ўйин 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

«Пахтакор» Москванинг Марказий Армия спорт клуби командаси билан чемпионат биринчиликларида жами 13 марта учрашди. Бунинг 5 тасида пойтахт футболчилари, 3 тасида ўзбек спортчилари ғалаба қилган. 5 ўйин дуранг бўлиб тугаган.

«Пахтакор» навбатдаги ўйинини эртага ўз майдонида Москванинг «Динамо» футболчилари билан ўтказади.

* * *

Шу куни бошқа шаҳарларда ҳам бир неча ўйин бўлди.

«ДИНАМО» (ТБИЛИСИ) — «СПАРТАК» — 0:0.

«ДИНАМО» (КИРОВОБОД) — «ДИНАМО» (Киев) — 0:0.

«ЗАРЯ» (ЛУГАНСК) — «ДИНАМО» (МИНСК) — 1:0. Тўпни 52-минутда Журавлев киритди.

«АРАРАТ» (ЕРЕВАН) — «ЛОКОМОТИВ» (МОСКВА) — 2:0. Тўп авторлари — Заназанян (15-минутда) ва Мелкумов (43-минутда).

«ҚАЙРАТ» — «ДИНАМО» (МОСКВА) — 0:1. Тўпни 44-минутда Авруцкий киритди.

«НЕФТЧИ» — «ЧЕРНОМОРЕЦ» — 4:0. Тўпларни 25 ва 54-минутларда Банишевский, 76-минутда Туаев, 84-минутда Маркаров киритди.

СКА (РОСТОВ-ДОН) — «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — 1:1. Тўп киритганлар: Казаков (13-минутда 11-метрдан), Еськов (36-минутда).

«ШАХТЕР» — «ЗЕНИТ» — 0:2. Тўпларни 43-минутда Вьюн ва Погосовлар киритди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти эртага, 10 апрель чоршанба куни ўтказилади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар.** 18.15 — **Стандарт — давлат маркаси.** 18.40 — **Биринчи президент** (телевизион бадиий фильм). 20.00 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.05 — **Телеянгиликлар.** 20.20 — **А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. Адабий меросимиз ойнаинжаҳонда** (Самарқанддан олиб кўрсатилади). 21.00 — **Коммунист минбари.** 21.15 — **С. Раҳимов куйлайди** (суҳбатли концерт). 22.00 — **Унинг яшашдан мақсади** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Рус тилида: 18.00 — **Ўқув эшиттиришлари программаси. А. П. Чехов ҳаёти саҳифалари** (ўқувчилар учун). 18.30 — **«Халқ эрки қаҳрамонлари»** (ўқувчилар учун тарих фанидан). 19.00 — **Студентлар учун назарий механикадан машғулот.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 19.00 — **Сувда сузиш бўйича СССР биринчилиги мусобақалари. «Локомотив»** (Тбилиси) — **«Меҳнат»** (Тошкент). 20.00 — **Мультфильм** (болалар учун). 20.20 — **Ўқувчи календари.** 20.50 — **Тошкент янгиликлари.** 21.00 — **Яхши кайфият ижодкорлари.** 21.10 — **Ҳаммаси менинг фарзандларим** (телефильм).

Ўзбек тилида: 21.35 — **Тошкент янгиликлари.** 21.45 — **Ваня** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 9/IV да **Севилия Сартароши,** 10/IV да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да **Уғирланган умр,** 10/IV да **Парво.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Уртатилган шерлар аттракциони. Раҳбари — Борис Денисов. РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин иштирок этади.**

КИНО

Николай Бауман — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12,4 ва кеч 8 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 9.50 минутда, кундуз 5 да, кеч 6.40 минутда ва 10.00 да).

Эрнан ва аёл — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Умид қирғоғи — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Главташкентстрой саноат корхоналари бошқармасининг 9-ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА

бетончилар, арматурчилар, слесарлар, моторчилар, газэлектр пайвандчилари, ёрдамчи ишчилар (эркаклар ва аёллар).

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Оилалилар 1-2 йил ичида уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шимолий промзон кўчаси (7 троллейбуснинг «Чуқурсой», 10, 14, 56 автобусларнинг «Трактор йиғув заводи» бекатлари).

Октябрь район коммунал хўжалик партия ташкилоти, маҳаллий комитети ва администрацияси райкомхознинг ободончилик бўйича инспектори

Ғиёс ФАЙЗИЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Правда Восто кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808. Пропаганда адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811 Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839030, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.08302. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1837.